

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

16 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Қирғизистон Республикасининг жанубида рўй бераётган воқеаларга алоҳида эътибор қаратдилар.

Мажлисида Қирғизистон Республикасининг жанубида рўй бераётган фожиали воқеалардан бутун мамлакатимиз халқи каби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари ҳам қаттиқ ташвиш тортаётганликлари, жиддий хавотирда эканликлари таъкидлаб ўтилди. Ўзбекистон парламенти аъзоларининг ишончи қомилки, фожиали воқеалар ортида зимдан иш олиб бораётган,

қирғиз халқининг манфаатлари ўзи учун ёт бўлган кучлар турибди. Улар Қирғизистон жанубида миллатлараро низо қўзғатиш, вазиятни беқарорлаштириш ниятида узокни кўзлаб қараётганликларини таъкидладилар.

Қонунчилик палатаси депутатлари фожиали воқеалар янада кучайиб кетишига йўл қўймаслик ва мамлакатда тартибни тиклаш юзасидан Қирғизистон тарафининг жадал чоралар қўриши муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон парламенти аъзолари кўп асрлардан буён турли миллат ва элатлар бир тан, бир жон бўлиб яшаб келаётган, елкама-елка туриб меҳнат қилаётган Қирғизистоннинг соғлом кучлари ҳозирги оғир кунларга, зўравон-

ликка барҳам бериб, вазиятни барқарорлаштиришга, Қирғизистоннинг кўп миллатли халқи тинч-тотув яшашини таъминлашга қодир, деб ишонч билдирдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари Қирғизистоннинг бошига мусибат тушган аҳолисига тиббий, инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати кўраётган кенг миқёсли чоралар ўз вақтида бўлаётганлиги ва муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар, шунингдек, давлатимиз раҳбари бошчилигида Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган сиёсатни тўла-тўқис қўллаб-қувватладилар.

ЎзА.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгилликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

ҚЎМИТА УЧУН НИЗОМ

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги 105-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низо ҳамда Рақобатни ҳимоя қилиш ва товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятига доир қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ҳамда ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари режаси тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, Монополиядан чиқариш давлат қўмитасига давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, ҳўжалик юритувчи субъектлардан, шу жумладан, тижорат банкларида товар ва молия бозорлари монополиялашуви даражасини таҳлил қилиш учун зарур бўлган ахборотларни, шунингдек корхоналарнинг иқтисодий наторлиги тўғрисидаги маълумотларни сўраш ва белгиланган тартибда текин олиш; Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси билан биргаликда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда табиий монополиялар субъектлари ва монополистик корхоналар фаолиятини тақдим этилган ҳисоб-китобларнинг, декларация қилинаётган нархлар шакллантирилишининг асосланганлиги юзасидан текшириш; монополияга қарши, табиий монополиялар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, реклама ва банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳақидаги ишларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўриб чиқиш; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ўзига берилган ваколатлар доирасида, белгиланган тартибда қўриб чиқиш; қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ҳўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахсларига жарималар солиш ва бошқа ваколатлар берилган.

Чора-тадбирлар режасида қуйидагилар назарда тутилган: «Рақобатни ҳимоя қилиш тўғрисида» қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда статистика маълумотларини тезкор идоралараро айирбошлаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; товар бозорларида рақобат муҳитининг ҳолатини

таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

ВАЗИРЛИК ҲАЙЪАТИ
ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАРНИ
КЎРАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 июндаги 108-сон қарори билан ҳукуматнинг вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари тўғрисидаги низомабларни тасдиқлаш бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Улар билан вазирлар, давлат қўмиталари, идоралари раҳбарлари ва ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тартиби, ҳайъатнинг шахсий таркиби, аъзолари сони ва улар қўриб чиқадиган масалалар белгиланган.

Белгиланишича, ҳайъат қарорлари вазирлар, давлат қўмиталари ва идораларининг раҳбарлари буйруқлари билан амалга оширилади. Вазир, давлат қўмитаси ёки идорасининг раҳбари ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда мустақил равишда қарор қабул қилиб, пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот беради. Ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини Вазирлар Маҳкамасига хабар қилишлари мумкин.

ИМПОРТНИНГ
МУДДАТИ ЧЕКЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 8 июндаги 112-сон қарори билан ҳукуматнинг айрим қарорларига Президентнинг «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига (2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-сон) мувофиқлаштирувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қондалари (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган) товарларнинг олиб кирилишини ва божхона божлари амалда тўланганлигини тасдиқлайдиган божхона декларацияси расмийлаштирилган санадан бошлаб 12 ой ўтгандан кейин сотувга қўйилишига ва чакана савдода сотилишига йўл қўйилмайдиган тайёр импорт истеъмол товарлари рўйхати билан тўлдирилди.

Эслатиб ўтамиз, 2010 йил 1 октябрдан бошлаб аҳоли билан пул ҳисоб-китоблари-

ни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан қўлланилаётган назорат-касса машиналари ягона техник талабларга мувофиқ бўлиши керак ҳамда мажбурий сертификатланиши лозим. Бозорлар маъмуриятлари бир марталик йиғимлар ва ижара ҳақи тўловларини қабул қилишда мажбурий тартибда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллашлари шарт. 100 ва ундан ортиқ турғун савдо шохобчалари ва савдо ўринларига эга бўлган бозорлар ва уларнинг филиалларида эса мазкур тўловлар фақат автоматлаштирилган тарзда банк тизими орқали ҳисобга олиш йўли билан, тўловнинг тўлиқлиги давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан ҳар куни текширилган ҳолда ундирилади.

БАРЧА ШОХОБЧАЛАРГА
– ТЕРМИНАЛ

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 июндаги 116-сон қарори билан ҳукуматнинг айрим қарорларига Президентнинг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорига (2010 йил 19 апрелдаги ПҚ-1325-сон) мувофиқлаштирувчи ўзгартиришлар киритилди. Уларга мувофиқ турғун савдо шохобчалари ва барча умумий овқатланиш объектлари банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт.

Марказий банк, Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 9 июнда 1986-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низома киритилган ўзгартириш билан тўлов терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари рўйхати қонун ҳужжатлари билан мувофиқлаштирилди.

2010 йил 19 июндан кучга кирди.

ОҚСОҚОЛ НОТАРИУС
БЎЛА ОЛМАЙДИ

Адлия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 4 июнда 2098-1-сон

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2010 йил 5 июндан 11 июнгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 23-сон асосида тайёрланди.

билан рўйхатдан ўтказилган) билан «Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ (рўйхат рақами 2098, 2010 йил 19 апрель) Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2010 йил 5 майдаги ПФ-4216-сон Фармони асосида амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» қарорига (2010 йил 2 июндаги 104-сон) мувофиқ ўз кучини йўқотди. Мазкур йўриқнома шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари томонидан қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартибини назарда тутган: васиятномабларни тасдиқлаш; ишончномаларни тасдиқлаш, автотототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно; мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар қўриш; ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаходатлаш, маълумоти ҳақидаги ҳужжат нусхалари бундан мустасно; ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаходатлаш.

2010 йил 14 июндан кучга кирди.

ИЖАРА ҲАҚИ
ҚАЙТА ТАҚСИМЛАНДИ

Молия вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 9 июнда 1292-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Балиқ овлаш корхоналарида табиий сув ҳавзаларидан фойдаланганлик учун ижара ҳақини ҳисоблаш ва уни ундириш тартиби тўғрисидаги низома (рўйхат рақами 1292, 2003 йил 20 декабрь) ўзгартиришлар киритилди. Уларга мувофиқ, эндиликда ижара ҳақи қуйидагича тақсимланади: маҳаллий бюджетга – ижара ҳақининг 68 фоизи (илгари – 60 фоизи), балиқчиликни ривожлантириш жамғармасига – 20 фоизи (илгари – 25 фоизи) ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига – 12 фоизи (илгари – 15 фоизи).

2010 йил 19 июндан кучга кирди.

УШБУ
СОНДА

1-2-бетлар

Қонун ҳужжатларига
қисқа шарҳ

\$1 = 1589,38 сўм

3-бет

Низолар судда
ҳал этилади

€ 1 = 1910,84 сўм

4-бет

Юрист маслаҳати

£1 = 2320,81 сўм

5-10-бетлар

«Биз яшайдиган уй»:
муаммолар ечимини

¥10 = 173,06 сўм

Қонун ҳужжатлари шарҳи

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАЛАРИНИ
ЮРИТИШДА ҚАНДАЙ
ЯНГИЛИКЛАР БОР?

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи¹ ("Солиқ ва божхона хабарлари" газетасининг 2010 йил 17 июндаги 25 (829)-сонидан чоп этилган) билан Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага² (бундан кейин – Йўриқнома) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ
БЎЛИМЛАРИГА
АЙЛАНТИРИЛДИ

Йўриқномага киритилган кўпчилик ўзгартишлар уни Президентнинг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони (2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон) ва бошқа ҳужжатларга мувофиқлаштириди, уларга кўра ижтимоий таъминот бўлиmlарининг пенсия тайинлаш, шу жумладан уни ҳисоблаб чиқариш учун меҳнат стажини ҳисобга олиш бўйича функциялари Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига берилди.

Хусусан, хусусий тадбиркорлик ва якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларга ҳамда шахсий ёрдамчи ҳўжаликда, шунингдек деҳқон ҳўжалигида ишловчиларга меҳнат дафтарчаларини бериш ва меҳнат стажини белгилаш энди Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлиmlари томонидан амалга оширилиши кўрсатилган.

Ушбу фаолият турлари билан банд бўлган шахсларнинг меҳнат дафтарчалари, уларнинг эгалари бошқа ишларга жойлашгунига қадар, шу ернинг ўзиде сақланади.

Меҳнат стажининг қанча давом этганлиги тўғрисида ёзув суғурта бадаллари тўланганлиги далилини тасдиқловчи ҳўжат мавжуд бўлганда қайд этилади. Пенсия жамғармаси бўлими томонидан очиладиган ва тадбиркорда сақланадиган суғурта бадаллари тўланишини ҳисобга олиш дафтарчаси ана шундай ҳўжатдир³.

ИШ СТАЖИ ВА
СУГУРТА БАДАЛЛАРИ

Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида низомнинг⁴ 20-бандига биноан, ижара шартномаси (контракт) бўйича чет элда ишловчи Ўзбекистон фуқароларининг иш стажы Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги (бундан кейин – Агентлик) томонидан белгиланади.

Йўриқнома тўлдирилган меъёрга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат дафтарчаларига чет элда (шартнома асосида) ишлаган иш даври ҳақидаги ёзувлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари тўланган тақдирда, агар давлатлараро битимларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, Агентлигининг тегишли маълумотномаларига асосланиб киритилади. Илк бор ўзининг меҳнат

фаолиятини чет элда бошлаган фуқароларга меҳнат дафтарчалари меҳнат фаолиятини тасдиқловчи ҳўжатлар (ҳўкуматлараро, идоралараро шартномалар (битимлар), хусусий меҳнат контрактлари) тақдим этилганда Агентлик томонидан расмийлаштирилади ва берилади.

Фуқароларнинг чет элда (шартнома асосида) ишлаган иш даври учун умумий иш стажы жамланиб, яъни қайси корхонада, қайси даврда ва қайси лавозимларда ишлаган йиллари, ойлари ва кунлари умумий тартибда ёзилади.

Ҳўжат (шартнома, иш берувчи томонидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотнома, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг суғурта бадалли тўланганлиги тўғрисида маълумотнома⁵) билан тасдиқланган ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган умумий иш стажы меҳнат фаолиятининг даврлари бўйича қуйидагича ёзилади:

1-устунда – тартиб рақами кўрсатилади;

2-устунда – чет элда ишга қабул қилинган сана;

3-устунда – ходим ишлаган хорижий мамлакат, корхона номи ва лавозими ёзилади;

4-устунда – қайси ҳўжатга асосан ёзилганлиги қайд қилинади.

ИШСИЗМИСИЗ? МЕҲНАТ
ДАФТАРЧАНГИЗ ҚАНИ?

Йўриқномага киритилган ўзгартишларга кўра, ишсиз шахс деб эътироф этилган фуқаролар маҳаллий меҳнат органига белгиланган муддатда рўйхатдан ўтиш учун келганларида меҳнат дафтарчаларини унинг ходимига кўрсатишлари шарт. Бу ўзгартиш Йўриқномани Фуқароларни меҳнат органларида рўйхатдан ўтказиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга⁶ мувофиқлаштиради.

ҲАҚЛИСИЗ,
БИРОҚ МАЖБУР ЭМАССИЗ

Йўриқномага киритилган ўзгартишларга мувофиқ янги меҳнат дафтарчалари (дубликати)ни беришда иш берувчи ходимдан қонун ҳўжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг 10 фоизигача миқдорида ҳақ олиш ҳўқуқига эга. Аввалги тахрир ходимга бунинг учун корхона кассасига ЭКИХнинг 10 фоизини киритиш мажбуриятини кўярди.

Мария ТУХТАРОВА,
«Норма» МЧЖ юристи.

¹АВ томонидан 2010 йил 27 майда 402-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

²Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

³Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 августдаги «Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон ҳўжаликлари аъзоларини давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида» 351-сон қарорига мувофиқ.

⁴Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳўжатларни тасдиқлаш ҳақида» 249-сон қарорига 12-илова.

⁵Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш даври тўғрисидаги маълумотнома намунаси Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида низомга (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига 12-илова) 1-иловада келтирилган.

⁶Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1999 йил 13 октябрда 831-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

Амалий бухгалтерия

ЧАКАНА САВДО УЛГУРЖИ
САВДОГА ХАЛАЛ БЕРМАЙДИ

Улгуржи савдо корхоналари пластик карточкалар бўйича реализация оборотини қандай ҳисобга оладилар - улгуржи савдо дебми ёки чакана савдо ҳисоблабми? Ҳисобга олишнинг муайян турига риоя қилиш учун қонунчиликнинг қандай талабларига риоя этиш лозим?

Корхона менеждери.

– Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низом^{*} билан савдони улгуржи ёки чакана турга киритишнинг қуйидаги мезонлари белгиланган:

улгуржи савдо – тижорат мақсадларида ёки ўз ишлаб чиқариш-ҳўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиш учун ҳисоб-китобларнинг нақд-насиш шаклида харид қилинадиган товарларни сотиш. Товарларни улгуржи сотиш (реализация қилиш) фақат тузилган шартномалар асосида ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг нақд-насиш шаклида амалга оширилиши мумкин;

чакана савдо – савдо соҳасида якуний истеъмол учун, ундан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳўқуқисиз аҳолига товарларни доналаб ёки кўп бўлмаган миқдорларда нақд пулга сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш. Юридик шахсларнинг корпоратив пластик карточкалари бўйича товарларни сотиш чакана савдо корхоналари томонидан нақдинасиш ҳисоб-китоб бўйича амалга ошириладиган товар оборотининг ойлик ҳажмини чегараламасдан амалга оширилиши мумкин.

Шу тариқа, **улгуржи савдо корхоналари учун** қуйидаги шартларга риоя қилиниши мажбурийдир:

нақдинасиш ҳисоб-китоб;

ҳўжалик шартномасининг мавжудлиги.

Юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор шартноманинг тарафи бўлиши мумкин.

Сотилган товарларга пластик карталар воситасида ҳақ тўлаш нақдинасиш ҳисоб-китоб усулларида бири бўлиб, унда пул оқимлари (банк ҳисобрақами орқали тўла-гандек) нақд пул шаклида эмас, балки ҳисоб-китоб терминаллари орқали ўтади.

Корпоратив банк карталари ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг миллий валюта-сида банк карталари воситасида амалга

ошириладиган ҳисоб-китоблар Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом^{**} ва Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом^{***} билан нақд пулсиз шаклдаги тўлов деб эътироф этилади, уларда қуйидаги таърифлар берилган:

корпоратив банк картаси – юридик шахсга банк томонидан бериладиган, корпоратив банк картасини сақловчисига карта ҳисобварағида ҳисобда турган пул маблағларини тасарруф этган ҳолда товарлар, ишлар ёки хизматларни сотиб олиш учун нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш ҳўқуқини берувчи тўлов картаси;

якка тартибдаги тадбиркорнинг миллий валютадаги банк картаси – якка тартибдаги тадбиркорга банк томонидан бериладиган, якка тартибдаги тадбиркор банк картасини сақловчисига карта ҳисобварағида ҳисобда турган пул маблағларини тасарруф этган ҳолда товарлар, ишлар ёки хизматларни сотиб олиш учун миллий валютада нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш ҳўқуқини берувчи тўлов картаси.

Шу тариқа, **товарни шартнома асосида юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга сотиб, пластик карточкалар** (корпоратив карта ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг картаси) бўйича ҳақ тўлашнинг улгуржи савдо бўйича оборотлар деб эътироф этиш керак.

Агар корхонангизда чакана савдо дўкони бўлиб, сиз унда жисмоний шахсларга пластик карточкалар бўйича товар сотсангиз, бундай оборотни чакана савдо бўйича оборот сифатида ҳисобга олиш зарур.

Жавобни «Norma Ekspert» гуруҳи мутахассислари тайёрладилар.

^{*}Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган.

^{**}МБ бошқарувининг АВ томонидан 2005 йил 18 апрелда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

^{***}МБ бошқарувининг АВ томонидан 2008 йил 4 сентябрда 1850-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

ҚИРҒИЗИСТОНДАН ВАҚТИНЧА КЎЧИБ
КЕЛГАНЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА
ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ ОЧИЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикасининг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг Қирғизистон билан чегарадош туманларида Қирғизистон Республикасидан вақтинча кўчиб келганлар яшаб туриши учун махсус жойлар тайёрланди. Мамлакатимизнинг давлат ва жамоат тузилмалари, фуқаролари томонидан жабрланганларга – 75-80 мингдан ортиқ кишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда.

Жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банкида қуйидаги ҳисоб рақамлари очилди:

Хорижий валютадаги ҳисоб рақами: 20204840900278031001 MFO: 00077. SWIFT Code: PAKHUZ22; MFO 00394 JSCB «Agrobank» Andijan.

Address: 47, Pushkin str., Andijan city, Republic of Uzbekistan.

Сўмдаги ҳисоб рақами: х/р 20204000100278031008 – Андижон вилояти ҳокимлиги махсус ҳисоб рақами. Код: 00077, «Агробанк», Андижон.

Ёрдам кўрсатиш масалалари юзасидан Тошкент шаҳридаги штабга қуйидаги телефонлар бўйича мурожаат қилиш мумкин: +99871 239-86-84, +99871 239-86-25; Факс: +99871 239-80-37; e-mail: humanitar@gov.uz

Андижон шаҳридаги штабнинг телефонлари: (8-374) 226-99-78, 226-99-80.

ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СТАВКАСИ
ЎЗГАРТИРИЛМАСДАН ҚОЛДИРИЛДИ

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 5 июндаги қарори билан Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси йиллик ҳисобда 14,0 фоиз даражасида қолдирилди.

Монетар сиёсатнинг 2010 йилга мўлжалланган асосий йўналишларидан ҳамда инфляциянинг амалдаги ва кутилаётган даражасидан келиб чиққан ҳолда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгартирилмади.

✓ УСТУВОРЛИКЛАР

- Олий Мажлис Қонунчилик палатасида
- Янги ҳўжатларни тақдим этилиши

1-бет

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Меҳнат дафтарчаларини юритишда қандай янгиликлар бор?
- Чакана савдо улгуржи савдога халал

бермайди

✓ ҲЎЖАЛИК ҲЎҚУҚИ

- Сизга инкассатор, НКМ ва терминал керак
- Сотувчи ноҳақ

✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

- Ишсиз ота мажбуриятдан озод қилинмади
- Касаначилик – аҳоли турмуш даражасини ошириш омили

2-бет

3-бет

4-бет

✓ БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

- Ўзи бўлак бўлганда
- Истеъмолчи савол беради
- Ҳисоблагич ўрнатилганда
- Бир том остида
- Квартирадан даромад олинса
- Пенсионер учун ким тўлайди?
- Таъмирлаш керакмикин?

✓ top

5-10-бетлар
11-12-бетлар

✓ ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Тахририятимиз жамоаси анъанага кўра 28 июндан 12 июлгача ёзги таътилга бўлади. Бу муддатда газетамизда бирор долзарб материал ёки зарурий ахборотни чоп эттирмақчи бўлсангиз, уларни олдинроқ тақдим этишингизни сўраймиз.

«Норма маслаҳатчи» тахририяти.

СИЗГА ИНКАССАТОР,
НКМ ВА ТЕРМИНАЛ
КЕРАК

? МЧЖ шаклидаги кичик корхонамиз ХХТУТ бўйича 19400 кодига (матбаа) эга. Кўпинча бизга жисмоний шахслар матбаа хизматлари кўрсатиш – ташир қоғозлари, таклифномалар ва ҳоказоларни тайёрлашимизни сўраб мурожаат қиладилар. Корхонамиз уларга хизмат кўрсатиши мумкинми? Агар корхонамизда нақд маблағлар билан операциялар назарда тутилмаган бўлса, уларнинг ҳақи қандай тўланиши керак? Биз тўлов терминалидан фойдаланиш ҳуқуқига эгамизми? Бундай ҳолда қандай ҳужжатлар расмийлаштирилиши лозим? Улар чакана савдо бўйича операциялар деб ҳисобланмайдими?

Бош бухгалтер.

– Корхонангиз аҳолининг якка тартибдаги буюртмалари бўйича ташир қоғозлари, таклифномалар ва бошқа маҳсулотларни тайёрлашга ҳақлидир. Мазкур фаолият чакана савдо деб ҳисобланмайдми.

Президентнинг «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони



(1996 йил 9 августдаги ПФ-1504-сон) 3-бандининг бешинчи хатбошисига мувофиқ, аҳолига хизмат кўрсатувчи барча корхоналар тушган нақд маблағларни ҳар куни банк муассасаларига топширишлари шарт. Шу боис корхонангиз инкассо хизмат кўрсатилишига шартнома тузиши лозим. Бундан ташқари, корхона рўйхатдан ўтказилган жойдаги ва амалда жойлашган жойдаги солиқ инспекциясида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган назорат-касса машинасини ўрнатиш зарур (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида» 621-сон қарори, Аҳоли билан пулли ҳисоб-китоб қилишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўлланиш тартиби тўғрисида низом*).

Президентнинг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорига (2010 йил 19 апрелдаги ПК-1325-сон) мувофиқ сиз аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъект сифатида 2010 йил 1 январьга тўлов терминалини ўрнатишингиз шарт. Тўлов терминалларини қўллаш тартиби махсус Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом** билан тартибга солинади.

Елена ЕРМОХИНА,
«Norma» МЧЖ эксперт-юристи.

*МВ, ДСК, МБ, АВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1995 йил 15 февралда 124-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

**МБ ва ДСКнинг АВ томонидан 2009 йил 27 июлда 1986-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

СОТУВЧИ НОҲАҚ

ИШНИНГ МОҲИЯТИ

МЧЖ хусусий фирма билан олди-сотди шартномасини тузиб, олдиндан ҳақ тўлади. ХФ томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги муносабати билан МЧЖ хўжалик судига олдиндан тўланган ҳақни қайтариш ва бошқаларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун банк фоизларини, даъво аризаси бериш билан боғлиқ юридик хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар ва шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун неустойка ундириш тўғрисида даъво билан мурожаат қилди. Суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинишига қадар фирма товар демонтажи бўйича харажатларни қоплаш тўғрисида қарши даъво берди.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қондирилди, МЧЖнинг неустойка ундириш талаби рад этилди. Қарши талабни қондириш рад этилди. Апелляция инстанциясининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилди: юрист хизматларига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни ундириш рад этилди, қолган қисми эса ўзгартирилмади. Иш бўйича чиқарилган суд ҳужжатларига қўшилмаган МЧЖ ва хусусий фирма кассация шикоятлари билан Олий хўжалик судига мурожаат қилдилар: МЧЖ биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартирмай қолдиришни, хусусий фирма эса даъвони тўлиқ рад этиш ва қарши талабни қондиришни илтимос қилди.

СУДНИНГ ҚАРОРИ

Суд ҳайъати иш материалларини ўрганиб, тарафларнинг фикрларини тинглаб, қуйидагиларни аниқлади:

МЧЖ билан хусусий фирма ўртасида шартнома тузилган, унга кўра МЧЖ (харидор) фирма (сотувчи)дан 10 цистерна сотиб олиб, уларнинг 2 тасига олдиндан ҳақ тўлаган;

шартномага кўра харидор товарни унга ҳақ тўлаганидан кейин 5 кун мобайнида олиб чиқиб кетиши шарт эди;

цистерналар цехда ўрнатилган, шу сабабли МЧЖ уларни олиб чиқиб кета олмаган;

шартномада харидорнинг товарни демонтаж қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаши назарда тутилмаган.

Кассация ҳайъати қонунчилик қоидаларини таҳлил қилиб, қуйидагиларни белгилади:

Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 388-моддасига мувофиқ хусусий фирма МЧЖга бериш учун 10 идишни тайёрлаши шарт эди; сотувчи харидорга олдиндан тўланган ҳақ суммасини қайтариш-

Олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади (ФК 386-моддасининг биринчи қисми). ФК 390-моддасининг биринчи қисмига биноан, сотувчининг сотиб олувчига товарни топшириш вазифаси қуйидаги пайтларда бажарилган ҳисобланади:

агар шартномада сотувчининг товарни етказиб бериш мажбурияти назарда тутилган бўлса, товарни сотиб олувчига ёки у кўрсатган шахсга топшириш пайтида;

агар товар сотиб олувчига товар турган ерда берилиши лозим бўлса, товарни сотиб олувчи ихтиёрига топшириш пайтида. Шартномада назарда тутилган муддатда товар тегишли ерда сотиб олувчига топшириш учун тайёр бўлган ва сотиб олувчи шартнома шартларига мувофиқ товар топширишга тайёр эканлигидан хабардор қилинган вақтда товар сотиб олувчи ихтиёрига топширилган деб ҳисобланади. Агар товарнинг шартнома мақсадларига мослиги тамғалаш ёки бошқа йўл билан тасдиқланган бўлмаса, товар топшириш учун тайёр деб ҳисобланмайдми. Масалан, агар ускуна товар бўлиб ҳисобланса, у қисмларга ажратилиши ва тегишли тарзда ўраб-жойлаштирилиши керак.

Агар сотувчи сотилган товарни сотиб олув-

чига топширишдан бош тортса, сотиб олувчи олди-сотди шартномасини бажаришдан бош торттишга ҳақли (ФК 396-моддасининг биринчи қисми). Агар шартномада товарга олдиндан ҳақ тўлаш шартин назарда тутилган бўлса, харидор қуйидагиларни ҳам талаб қилишга ҳақлидир:

ҳақи тўланган товарни топширишни ёки сотувчи топширмаган товар учун олдиндан тўланган суммани қайтариб олишни (ФК 420-моддасининг учинчи қисми);

шартнома бўйича товарни топшириш амалга оширилиши керак бўлган кундан бошлаб уни харидорга топшириш ёки олдиндан тўланган суммани қайтариш кунига қадар олдиндан тўланган суммага доир фоизлар тўлашни (ФКнинг 327-моддаси). Фоизлар бошқаларнинг пул маблағларидан уларни ноқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтаришдан бўйин товлash оқибатида фойдаланилган тақдирда тўланиши керак.


Тадбиркорлик субъектлари шуни назарда тутишлари лозимки, фоизлар миқдори кредитор жойлашган жойда мавжуд бўлган, пул мажбуриятини ёки унинг тегишли қисмини бажариш кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига кўра белгиланади. Қарзни суд тартибида ундираётганда суд кредиторнинг талабини даъво тақдим этилган кундаги ёки ҳал қилув қарори чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасидан келиб чиқиб қондириши мумкин. Агар шартнома ёки қонун

МЧЖнинг ПОЗИЦИЯСИ

Шартнома шартларига кўра МЧЖ товарга олдиндан ҳақ тўлаган, бироқ хусусий фирма товарни топширишга тайёрламаган. Бинобарин, сотувчи шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаган, шу сабабли МЧЖнинг талаблари асослидир.

ХУСУСИЙ ФИРМАНING ПОЗИЦИЯСИ

Товарни беришга тайёрлаш учун уни демонтаж қилиш зарур эди. Шартнома бўйича товарни етказиб бериш ўзи олиб чиқиш шартларида амалга оширилганлиги боис, демонтаж билан боғлиқ харажатларни МЧЖ амалга ошириши керак эди. Натижада шартнома мажбуриятларини фирма МЧЖнинг айби билан бажармади ва унинг талаблари ноқонунийдир.



дан бош тортган ва бошқаларнинг пул маблағларидан фойдаланган;

ФКнинг 420-моддасига кўра хусусий фирма, олдиндан ҳақи тўланган товарни унга пул маблағлари келиб тушгандан кейин олтинчи кундан бошлаб беришга тайёрламаганлиги ва олдиндан тўланган ҳақни қайтаришдан бош тортганлиги муносабати билан, ФКнинг 256 ва 327-моддаларида назарда тутилган фоизларни тўлаши шарт эди;

ФКнинг 14-моддасига кўра МЧЖ даъво топшириш ва ишни судда кўриш билан боғлиқ юридик хизматлар қийматини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб ва Хўжалик процессуал кодекси 187-189-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартиришсиз қолдирди, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириб, даъвогарнинг юридик хизмат кўрсатишга доир харажатларни ундириш тўғрисидаги талабини қондирди.

ШАРҲ

билан фоизларнинг бошқача миқдори белгиланмаган бўлса, ушбу қоидалар қўлланилади.

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда (улар сирасига товарни беришга тайёрламаганлик ҳам қиради) харидор сотувчидан зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақлидир. Бунда, ФК 14-моддасининг иккинчи қисмига кўра, зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Зарарни аниқлаш тартиби шартномада қатъий пул шакли ёки фоиз нисбатида назарда тутилиши мумкин. Агар уни тарафлар келишиб олмаган бўлса, ФК 324-моддасининг иккинчи қисмига кўра, зарарни аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, қарздор кредиторнинг талабларини ихтиёрий қаноатлантирган кунда, борди-ю, талаб ихтиёрий қаноатлантирилган бўлмаса, – даъво қўзғатилган кунда мавжуд бўлган нархлар эътиборга олинади. Суд вазиятга қараб, зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин.

Амалиётда тадбиркорлик субъектлари даъвода кўпинча адвокатнинг даъво аризаси топшириш билан боғлиқ хизматларига доир харажатларни қоплаш талабини акс эттирадilar. Ушбу харажатлар бузилган ҳуқуқни тиклаш бўйича зарарларга тегишлидир. Уларнинг миқдори тадбиркорлик субъекти билан адвокат ўртасида ҳуқуқий хизмат кўрсатишга доир тузилган шартнома, шунингдек уларни акс эттирувчи бошқа молиявий ҳужжатлар асосида белгиланади.

Суд амалиётини
«Norma» МЧЖ эксперт юридик бўлими таҳлил қилди.

Реклама



Эксперт маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Х.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz



ИШСИЗ ОТА МАЖБУРИЯТИДАН ОЗОД ҚИЛИНМАЙДИ



Мен хотиним билан қонуний асосда, суд орқали ажрашганман. Хусусий фирмада ишлаган пайтимда алиментни бухгалтерия суднинг ҳал қилув қарори асосида иш ҳақимдан ушлаб қоларди. Ҳозирги вақтда вақтинча ишсизман.

Ишламайдиган фуқаролар бир бола учун алиментни қанча миқдорда тўлашлари керак? Суд ижрочиларининг айтишларича, агар мен ҳеч қерда ишламасам, ҳар ойда бир бола учун 53 000 сўм тўлашим керак экан.

Вақтинча ишсизлар учун алимент тўловларининг миқдори ким томонидан белгиланади?

Кейинчалик мен тадбиркорлик – савдо билан шуғулланишни режалаштиряпман. Бу ҳолда бир бола учун алиментнинг миқдори қанча бўлади?

Мен ўқиган барча газеталарда бир бола учун ундириладиган алиментнинг миқдори энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак деб ёзилган.

Алимент тўловчи.

– Оила кодекси (ОК)нинг 99-моддасига кўра, агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун – тўртдан бир қисми, икки бола учун – учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун – ярмиси миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва

бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин. Бироқ ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг **учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.**

Алимент тўлаши шарт бўлган ота-она расман белгиланган иш ҳақи ёки даромадга эга бўлмаса, вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун тўланиши лозим бўлган алимент миқдори ҳар

ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин (ОК 102-моддасининг иккинчи қисми).

Масалан, суд томонидан алимент тўловлари миқдори тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинаётган пайтда жавобгар ҳеч қерда ишламаган. Суд алимент миқдорини даромаддан фоизли нисбатда эмас, балки қатъий суммада, масалан, ЭКИХнинг бир баравари миқдорида белгилаши мумкин.

Шу тариқа, алимент тўловларининг миқдори суд томонидан бел-



Масалан, суд ижроچиси Тошкент шаҳри бўйича бухгалтерларнинг ўртача иш ҳақини қўллайди. Жавобгар эса касби бўйича почтабон. Тегишинча, суд ижроچиси статистика органларидан, биринчидан, бутун республика бўйича ўртача иш ҳақини талаб қилиши, иккинчидан, бирор-бир касб бўйича маълумотлар тақдим этилса, у алимент тўловчи касбига ўхшаш ёки унга турдош бўлиши керак. Акс ҳолда фарқ жиддий бўлиши мумкин.

Илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноятни янгидан қасддан содир этган, Жиноят кодексида алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса Кодекс Махсус қисмининг бошқа моддалари бўйича ҳам ҳукм қилинган шахс хавфли рецидивист деб топилади (Жиноят кодекси 34-моддасининг иккинчи қисми).

Баркамол авлод – мамлакат келажаги

КАСАНАЧИЛИК – АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ



Бугун янги билимлар, фан оламидаги чўққиларни эгаллашга чанқоқ ёшлар мамлакатимизда кўпчиликини ташкил этади. Тошкент давлат техника университети (ТДТУ) 3-курс талабаси Заррина Наврўзова ҳам ана шундай ёшлардан. У ТДТУ ҳамда республика олий ўқув юртлари орасида ўтказиб келинаётган фан олимпиадалари ва илмий-амалий анжуманларда ўз маърузалари, мақола ва илмий материаллари билан иштирок этиб, фахрли ўринларга сазовор бўлиб келмоқда. Айни вақтда у ўзи таҳсил олаётган Иқтисодий ва менежмент факультети Иқтидорли талабалар клуби раиси ҳамдир.

– Буюк Ватаним – Ўзбекистонимда таълим олиш учун яратилган барча шарт-шароитларни кўриб, хурсанд бўламан, – дейди З.Наврўзова. – Университетимизда катта фондга эга кутубхона, ахборот-ресурс маркази, интернет тармоқлари бепул ишлаб турибди. Бизга илм-фан зарваракларини катта ҳафсала ва рағбат билан очиб бераётган барча ўқитувчиларим, хусусан иқтисод фанлари номзоди Р.Хусайнов, катта ўқитувчи Д.Ўрмоновдан миннатдорман.

З.Наврўзова солиқ соҳасига қизиққани туфайли диплом ишини ҳам ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархини пасайтиришда солиқлар ўрни ва аҳамияти мавзуси доирасида ёзмоқчи.

Куйида талабанинг касаначилик мавзусига бағишланган мақоласини ўқувчилар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Касаначилик – бу аҳолининг йирик корхоналар билан тузган меҳнат шартномаси асосида ўз уйдарида маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишидир.

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришнинг рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3706-сон Фармони касаначиликни ривожлантиришга ҳуқуқий-ташкилий асос солди. Фармонга мувофиқ касаначилик ва касаначиликни ташкиллаштирган корхоналар учун бир қатор имтиёз ва қулайликлар яратилди.

Йирик саноат корхоналари билан касаначилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳ-

камланиши оила бюджетни даромадларини оширишдек муҳим муаммони ҳал этади, иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини кескин қисқартириш ва унинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Айни пайтда касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланади.

Бундан ташқари мазкур Фармонга асосан товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар 2006 йилнинг 1 февралидан бошлаб беш йил муддатга, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан, корхона то-

гиланади ва унинг ҳал қилув қароридан кўрсатилади. Кейинроқ жавобгар уни ўзгартириш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Ҳозирча суднинг ҳал қилув қарори ўзгармаган экан, алимент тўловчи алиментни ҳар ойда, суд белгиланган миқдорда тўлаши керак.

Алимент мажбуриятлари бўйича қарз юзага келган тақдирда унинг миқдори суд ижроچиси томонидан, суднинг ҳал қилув қарори билан белгиланган алимент миқдоридан (ОКнинг 140-моддаси) ҳамда алимент ундирилмаган давр учун алимент тўлашга мажбур шахснинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадидан келиб чиқиб белгиланади.

Агар алимент тўлаши шарт бўлган шахс шу даврда ишламаган бўлса ёки унинг иш ҳақи ва (ёки) даромадини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса, алимент қарзи ундирилётган вақтда алимент Ўзбекистон Республикасидаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори бўйича ҳисоблаб чиқилади. Республика бўйича ўртача иш ҳақида доир маълумотларни суд ижрочилари расмий равишда статистика органларидан талаб қилиб оладилар. Айни бутун Ўзбекистон бўйича ўртача иш ҳақи қўлланилишига эътибор қаратиш лозим. Амалиётда ҳисоб-китоб учун Тошкент бўйича ўртача иш ҳақи олинадиган ҳоллар учраб туради, у одатда бошқа минтақа бўйича иш ҳақидан ва бутун мамлакат бўйича ўртача иш ҳақидан юқоридир. Бунинг устига алимент миқдори тармоқдаги ўртача иш ҳақидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ҳоллар маълум.

Агар қарзни бундай узиш тарафлардан бирининг манфаатларига жиддий путур етказса, у судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Суд тарафларнинг моддий ва оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни инобатга олиб, қарзнинг пул билан тўланадиган қатъий суммасини белгилаши мумкин.

Агар сиз тадбиркорлик фаолиятини юрита бошласангиз, суд ижрочисига ўз даромадларингиз ҳақидаги маълумотномаларни тақдим этишингиз керак бўлади. Суд ижрочиси улар ва суднинг ҳал қилув қарори асосида алимент тўловлари миқдорини белгилайди.

МИСОЛ. Суднинг ҳал қилув қарори бўйича тўловчи бир бола учун даромаднинг тўртдан бир қисми миқдорда алимент тўлаши керак. Январ ва февралда алимент тўловчи ҳеч қерда ишламаган ва алимент тўламаган. Суд ижрочиси қарз миқдорини республика бўйича, айтилиш, 250 000 сўмни ташкил этадиган ўртача иш ҳақининг тўртдан бир қисмидан келиб чиқиб белгилади. Тегишинча, алиментнинг ойлик суммаси: $250\,000 \times 1/4 = 62\,500$ сўм.


Мартда алимент тўловчи савдо фаолиятини бошлади ва 500 000 сўм даромад олди. Бу ҳақда у суд ижрочисини хабардор қилди ва даромадлари тўғрисидаги маълумотномани тақдим этди. Алимент тўловлари миқдори: $500\,000 \times 1/4 = 125\,000$ сўмни ташкил этади.

ОКнинг 116-моддасига мувофиқ, алимент тўлаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини бажаришдан бўйин товлаган шахслар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Чунончи, Жиноят кодексининг 122-моддасига мувофиқ, таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслиги ЭКИХнинг 50 бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади. Ўша қилмиш хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Мария ТУХТАРОВА,
«Norma» МЧЖ юристи.

Аҳолининг кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ва касаначилик билан бандлик динамикаси

(минг киши)



монидан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ касаначиларга корхона буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун текин фойдаланишга берилган асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарлар улардан фойдаланиш даврида мол-мулк солигидан озод этилиши белгилаб қўйилган эди*.

Маълумотларга кўра 2008 йилда ташкил этилган 661 000 янги иш ўрнининг 56,6 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига, 14,8 фоизи касаначилик ҳиссасига тўғри келган. Касаначилик фаолияти билан шуғулланувчилар сонига эътибор берадиган бўлсак, йил сайин уларнинг сони ўсиб бораётганлиги кузатилади. Саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнати фаолиятини ривожлантириш натижасида 2009 йилда 130 мингга яқин иш ўрни яратилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, аҳолининг бандлиги ва даромадлари янада барқарор ўсишини таъминлаш учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилиш муддатини узайтириш, касаначиликнинг иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказиладиган мажбурий суғурта бадаллари бўйича ҳам имтиёз бериш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз. Бу имтиёзлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тушадиган маблағларнинг маълум бир миқдорда камайтилишига олиб келса ҳам фаолиятини ривожлантириб олган касаначи келгусида албатта бюджетга ва мақсадли жамғармаларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, деб ўйлаймиз.

Заррина НАВРЎЗОВА,
Тошкент давлат техника университети талабаси.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 17 июндаги ПФ-4116-сон Фармонида мувофиқ мол-мулк солиғи бўйича имтиёз бекор қилинди.



МУНДАРИЖА:

- ✓ Ўзи бўлак бўлганда
- ✓ Истеъмолчи савол беради
- ✓ Ҳисоблагич ўрнатилганда
- ✓ Бир том остида
- ✓ Квартирадан даромад олинса
- ✓ Пенсионер учун ким тўлайди?
- ✓ Таъмирлаш керакмикан?

ШУ СОННИНГ МАВЗУСИ: ШИРКАТСИЗ УЙ

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари мамлакатимизда уй-жой соҳасини ислоҳ этишнинг асосий воситаларидан бири бўлиб қолганига қарамай, қонун ҳужжатларида кўп қаватли турар жойларни бошқариш ҳамда уларга хизмат кўрсатишнинг бошқа усуллари, айтилиқ, юридик шахс (ширкат) тузмасдан мулкдорлар жамоаси томонидан бошқарилишига йўл қўйилади. Мамлакатимизнинг пойтахти ва бошқа шаҳарларида бундай мисоллар кўпайиб бормоқда. Тўғри, бу усул қонун ҳужжатлари билан унча тартибга солинмаган, шу сабабли таҳдид-таваккалчиликлар ҳам, жумбоқли масалалар ҳам кўп учрайди. Шунга қарамай, баъзи мулкдорлар мазкур усулни маъқул кўрмоқдалар. Кимлардир кўп қаватли уй таъминоти билан боғлиқ ишларни ХУМШга ўхшаш йўсинда олиб бораётган бўлса, баъзилар бунда ақл-идрок ва фаҳму фаросат билан иш тутишга ҳаракат қилади. ХУМШдан воз кечиб мустақил иш юритишга ўтган мулкдорлар жамоалари тажрибасига таянаётганлар ҳам йўқ эмас. Умуман олганда, ҳар қандай янгиликда, айниқса, қонунчилик асосида етарлича тартибга солинмаган янгиликда бўлгани каби бу усулда ҳам ўз йўлини топгунча хато ва камчиликлар бўлиши табиий. Шу сабабли ҳам уй-жойни бошқаришнинг янги шакли ихтирочиларининг тажрибаси, катта-кичиклигидан қатъи назар, янгилик мухлислари учун аҳамиятлидир.

ЎЗИ БЎЛАК БЎЛГАНДА

Пойтахтнинг Шайхонтохур тумани Марказ-14 мавзесидаги 25-уй 112 та квартирадан иборат бўлиб, унда яшовчи аҳоли 2007 йили «Скопле Коммуналчи» ХУМШнинг баҳридан ўтди. Бу аслида ширкат барпо этган маҳаллий қозонхона учун газ етказиб беришни тартибга солиш ниятида қилинган мажбурий қадам эди. Ширкатдан чиққан мулкдорлар барибир бу масалани ҳал эта олмадилар (қозонхона уч йилдан бери бекор ётибди). Шунга қарамай, улар ширкатга қайтишни истамаяптилар, юридик шахс тузмасдан туриб тўққиз қаватли уйга хизмат кўрсатилиши уларни қаноатлантирмоқда.

Бошиданок айтиб қўя қолайлик – бу йўлни кўз-кўз қилмоқчи эмасмиз. Тўпланган озгина тажриба-ю бу йўлда бошқалар ҳам дуч келаётган тўсиқларни ҳам айтиб ўтамиз. Бу тўсиқларнинг аксарияти қонун ҳужжатларидаги «кем-тиклик» билан боғлиқ, бинобарин бу усул ҳуқуқий жиҳатдан етарлича тартибга солинмаган. Янги йўлдан биринчи-

лар қаторида бораётганларнинг тажрибаси, ютуғи, ҳатто камчиликлари ҳам қадрлидир. Негаки, бу нарсани ишнинг ижобий томонларидан ташқари атрофлича ишланиши тақозо этиладиган «танг» жойларни кўриш имконини ҳам беради.

Кўп қаватли уйни ХУМШсиз бошқариш имконияти қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлиб, бунда мулкдорлар ўртасидаги муносабатлар Фуқаролик кодексининг (ФК) 219 ҳамда Уй-жой кодексининг (УК) 127, 138 ва 139-моддалари билан тартибга солинади.

Уйни бошқаришнинг ана шу усулига ўтиш учун даставвал қўшниларнинг розилигини олиш зарур. Улар ширкатга аъзо бўлган пайтда ҳам умуман олганда, ёмон яшашмаган. Қозонхона учун газ масаласида муаммо бўлмаганида (мулкдорлар ХУМШ таркибидан чиқиш газни аҳоли учун белгиланган нархда сотиб олиш имконини беради деб умид қилган эдилар) ширкат бугунги кунда ҳам бемалол ишлаб турган бўларди.

Бўлак бўлиш йўли танланган пайтда одамлар бу ишнинг ижобий ва салбий томонларини ўйлаб ҳам ўтиришмади. Энг асосийси қозонхонани тезроқ ишга тушириш эди. Неча йилдирки, қиш кезлари квартираларига иссиқ ўтмас, шу сабабли ширкат таркибида, ёки ширкатсизми, иссиқ бўлса бас деган фикрда эдилар. Шу сабабли ҳам квартира эгалари ХУМШ таркибидан ажралиб чиқишни ёқлаб овоз бергандилар.

Ширкатни тугатиш ортиқча ташвиш келтирмади. Одамлар ишончли шахсни сайладилар. Уларнинг манфаатларини ифода этиши лозим бўлган уй кўмитаси раислигига ширкатнинг собиқ раҳбари Очил Мардонов лойиқ кўрилди. «Скопле Коммуналчи» ХУМШ номи Тошкентда анча машҳур эканлиги боис мулкдорлар уй кўмитасини ҳам шу номда қолдирдилар.

Авалло уйни ХУМШсиз бошқараётганда қарорлар қандай қабул қилинишини аниқлаб олиш керак эди. УКнинг 127 ва ФКнинг 219-



*Тахририят ихтилофли вазиятларни ҳал қилишда иштирок этмайди ва уларни ечишга кўмаклашиш ваколатига эга эмас.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

моддалари нормалари бу усулда бошқарувга мойиллик билдираётган кўпгина мулкдорларни ҳовуридан туширди. Бу нормаларга кўра кўп квартиралар уйдаги умумий мол-мулкка ва шу уйга туташ ер участкасига эгаллик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш **турар жойларнинг ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг барча мулкдорлари келишувига кўра** (100 фоиз) амалга оширилади, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса масала суд белгилайдиган тартибда ҳал этилади (Ширкатда қарор қабул қилиш учун ХУМШ аъзоларининг 50 фоиздан ортиқ овози kifоя). 100 фоизли розилик талабига жуда аҳил ва жипслашган кўшнлар эришиши мумкин. Уй-жой соҳаси мутахассислари уйни ширкат тузмасдан бошқариш усули 20-30 квартирадан иборат уйлар учун маъқул келади, чунки бундай уйларда бир тўхтамга келиш осонроқ деб ҳисоблайдилар.

Сўз ўзлари яшайдиган уйни ободонлаштириш ҳақида борса, одамларнинг умумий тил топишиши, келишиб олиши осон бўлади деган фикр бор. Аммо қонун ҳужжатларида 100 фоизлик розиликка қандай эришилиши белгилаб қўйилмаган. Шахсан овоз бериш билан бундай натижага эришиш даргумон. Чунки ҳар қандай аҳил жамоада ҳам битта-иккита кўнгли тўлмай, норози бўлиб юрганлар топилади, улар фойдалилигини била туриб таклифга ҳам қарши бўлишлари мумкин, натижада қарор ваколатли бўла олмайди. Шунинг учун ҳам «Скопле Коммуналчи»дагилар энг муҳим масалалар юзасидан ҳар бир мулкдорнинг ўзи овоз бериши лозим деб топдилар, хусусан, ХУМШ таркибидан чиқишда шундай қилинди. Бошқа ҳолларда уй ахлидан кимдир узрли сабабларга кўра умумий йиғилишда қатнаша олмайдиган бўлса, ишонч қозони билан у ўз овозини йўлак мутасаддисига ишониб топширишга ҳақли деб келишилди. 100 фоизли розиликка сиртдан овоз бериш йўли билан эришилади. Йиғилишдан кейин ишончли шахслар мулкдорларни қабул қилинган

қарорлардан хабардор этади.

«Скопле Коммуналчи» ўз-ўзини бошқаруви ишини ширкат таркибида бўлган кезлардаги принциплар асосида амалга оширмоқда ҳисоб. Уй кўмитаси таркибига раис, йўлак мутасаддилари, тафтиш комиссияси аъзолари киради. Уй кўмитаси раиси ҳисоб берадиган умумий йиғилишни йилига икки марта ўтказишга келишиб олинди. Зарурати бўлганда йиғилишлар йўлаклар бўйича алоҳида-алоҳида ўтказилади. Йўлак мутасаддилари квартира мулкдорлари билан уй кўмитаси ўртасида боғловчи востита бўлиб, умумий мол-мулк таъминотига маблағлар тўлиқ йиғилишига кўмаклашмоқдалар, йўлаклар батартиб ва озода сақланишини кузатиб бормоқдалар, йўлакларни тозалаш жадвалларини тузмоқдалар. Ҳар бир йўлакка уйга туташ ҳудуднинг муайян қисми бириктирилган бўлиб, одамлар вақти-вақти билан ўтказиладиган шанба-ликларда ҳудудни тозалайдилар, довдарахт ва экин-тикинга қарайдилар. Йиғилган маблағларнинг ҳаракати устидан назорат қилиш тафтиш комиссияси зиммасига юклатилган.

ПУЛНИ ҚАЕРДА САҚЛАГАН МАЪҚУЛ?

Уйни юридик шахс тузмасдан бошқаришда умумий мол-мулк таъминотига мўлжалланган маблағларни мулкдорлардан йиғиш ва сақлаш масаласи кўпчиликни ташвишлантириши турган гап, чунки бунда суиистеъмолликка йўл қўйиш хавфи кучли. Сўров ўтказиш йўли билан уй таъминотига мўлжалланган пулларни банкдаги шахсий ҳисобварақда сақлашга қарор қабул қилинди. Очил Мардоновга бу ҳисобварақни ўз номига олишига ишонч билдирилди. Лекин уй кўмитаси раиси мулкдорларнинг бадалларини ўзи мустақил равишда тасарруф эта олмайди,

ҳисобварақдан олишда ҳам шу қоида амал қилади. Уй эҳтиёжи учун ҳисобварақдан пул олмоқчи бўлса, у қилинадиган сарф-харажат зарурлигини тафтиш комиссияси аъзоларига асослаб бериши лозим, комиссия эса харажатларни ҳам, маблағлар тушумини ҳам назорат қилиб боради. Маблағларнинг ҳаракати, яъни сарф-харажат ва тушум-у қолдиқлар уй кўмитаси раиси томонидан тузилладиган баённомада ҳамда тафтиш комиссиясининг далолатномасида қайд этиб борилади. Кассир бадалларни йиғади ва ҳар ойда икки-уч марта пулларни банкка топширади. Бадал тўланган

Кўп квартиралар уйнинг жой мулкдорлари жамоаси бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузадиган бўлса, шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан ҳар бир мулкдор олдида эмас, балки мулкдорларнинг бутун жамоаси олдида жавобгарлик мазкур ташкилот зиммасида бўлади. Агар ҳақ барча мулкдорлардан тўлиқ тушмаган бўлса, бошқарувчи ташкилот учун жавобгарлик бошланмайди. Бундай ҳолларда умумий мол-мулк таъминоти учун мулкдорларнинг ўзаро масъулияти ортади. Агар маблағни ҳамма тўлиқ топширмаган бўлса, иш умуман бажарилмаслигини ёки озроқ ҳажмда бажарилишини ҳар бир мулкдор билади. Мулкдорлар жамоаси уй кўмитасини сайлагач, бошқарувчи ташкилот билан ҳамкорлик ишлари олиб боришга уни вакил қилишга ҳақли. Мулкдорларнинг маблағлари бошқарувчи ташкилот ҳисобига келиб тушади, аммо шартнома шартларининг бажарилиши, яъни хизматлар кўрсатилиши ва ишлар бажарилиши устидан назорат мулкдорлар жамоаси сайлаган ваколатли шахс (шахслар) зиммасига юклатилиши мумкин. Уй-жой фондини бошқариш учун тузилган шартномани умумий йиғилиш томонидан ваколат берилган бир ёки бир нечта мулкдор имзолаши мумкин. Шартномага турар жой мулкдорлари умумий йиғилишининг ваколатли шахсни (шахсларни) сайлаш тўғрисидаги, барча жой мулкдорлари томонидан имзоланган қарор илова қилинган баённомасини илова қилган яхши.

да уй кўмитаси раиси имзоси бўлган квитанция берилади. Тушган пул ҳисоб дафтарига қайд этилади ва уни квартира мулкдори имзолайди. Баъзи кексалар муҳрли квитанция берилишини талаб этадилар. Очил Мардонов юридик шахс эмасликлари боис муҳрлари йўқлигини айтиб, дилларини огритишни истамайди – маҳалла фуқаролар йиғинига бориб квитанцияга муҳр бостириб келади.

Уйда яшашга мўлжалланмаган учта жой бор. Уларнинг эгаларига турар жой мулкдорларига белгиланган миқдордагидек бадал жорий этилган. Бунда «Скопле Коммуналчи»дагилар УКнинг кўп квартиралар уйдаги умумий мол-мулк турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларига улушли мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлишини ва улардан фойдаланишда мулкдорлар тенг ҳуқуққа эга эканлигини белгиловчи 124-моддаси талабларидан келиб чиқади. Мазкур Кодекснинг 132-моддасига кўра ширкат ташкил этилмаган кўп квартиралар уйдаги **яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари** уйдаги умумий мол-мулкни ва шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича умумий харажат-



Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



Уй кўмитаси раиси Очил Мардонов.

Уйда яшайдиганлар Очил Мардоновга ҳар хил маълумотнома сўраб мурожаат этадилар. Уй кўмитасининг муҳри йўқ, муҳрсиз маълумотнома эса ҳақиқий саналмайди: шу сабабли уй кўмитаси раиси фалончида мажбурий бадаллар бўйича қарз йўқ деб ёзиб, маҳалла кўмитасидан буни муҳр билан тасдиқлашни ёки шу асосда турар жойдан маълумотнома ёзиб беришни сўрайди.

ИШ ЮРИТИШНИНГ НОЗИК ТОМОНЛАРИ

Очил Мардоновнинг кўп вақтини иш юритиш олади десак муболаға эмас. Унинг айтишича, кўп квартиралар уй ҳар хил хусусият ва дунёқарашга эга бўлган турли тоифадаги одамлар – турар жой мулкдорлари ва яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорлари, ижарачилар, квартирантлар, меҳмонлар биргаликда яшайдиган мураккаб организмдир. Энг аввало уйда кимлар яшашини билиш зарур. Тўғри, яшаш муҳитига нисбатан ҳар кимда ўзига яраша талаб ва манфаат бор, лекин уларни бир нарса – шинам ва обод уйда яшаш мақсади бирлаштириб туради. Тўққиз қаватли уй мулкдорлар жамоаси томонидан бошқарилаётганлиги умумий мол-мулк таъминоти учун жавобгарлик уйда яшовчилар зиммасидан олиб ташланганлигини англатмайди. Шу боис қўйилган ҳар бир қадам қайд этиб борилиши, қўни-қўшнилар бундан хабардор этиб турилиши зарур, йўқса энг муҳим нарса, яъни ишончга эришиб бўлмайди. Хуллас, уй кўмитасидаги ҳужжатлар ХУМШда юритиладиган ҳужжатлардан кам эмас.

Баъзан қўшнилар квартирантлардан нолиб қўйишади. Улар вақтинча яшаётганлиги сабабли уйга муносабатлари ҳам бошқачароқ: баъзиси йўлакка сигарета қолдиғини ташласа, бошқаси ахлатни квартира эшигининг ёнгинасига чиқариб қўяди. Кимдир алламаҳалгача зиёфат бериб, ҳамманинг тинчини бузади. Бирон марта йўлакни тозаламайдиган, шанбаликка чиқмайдиган квартирантлар ҳам бор. Баъзан қўшни квартирада ижарада турганлар ким эканлигини ҳамсоёси ҳам билмайди.

Сўз юритиладиган уйда 13 нафар квартирант яшар экан. Уй кўмитаси раиси уларни ҳамда турар жойни ижарага берган квартира эгаларини алоҳида дафтарга қайд этиб боради. Ҳар бир квартирант қайси манзил бўйича қайд этилганлиги кўрсатилган паспортдан кўчирма нусхани раисга топширади: чунки квартирант баъзида квартира эгасига ҳақ тўлашни «унутиб», уйдаги у-бу нарсани кўтариб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Уларнинг иш ёки ўқиш жойи ҳамда телефон рақамлари ҳам шу дафтарга қайд этиб борилиши бежиз эмас.

Уйдаги квартирасини сотган мулкдорлар алоҳида дафтарга ёзиб борилади, негаки квартира сотилганидан кейин муаммолар келиб чиқиши мумкин. Ширкат раҳбарлари кўпинча тўловлар тўлиқ тушмаётганлигидан нолиган

бўлиб, уйда бўш ётган квартиралар кўп, аммо эгасини топиш қийинлигини айтадилар. Бундай бўлмаслиги учун дафтарлардан бирига мулкдорлар яшамаётган квартиралар ҳақидаги ахборотлар ёзиб борилади. Очил ака улар билан мунтазам алоқани йўлга қўйган бўлиб, улар бадалларни вақтида тўлаб борадилар. Ширкат таркибидан чиқиш масаласи ҳал этилаётганда, масалан, бўш ётган квартиралардан бирининг эгасини яшаб турган жойи – Намангандан чақириб келишди.

ХИЗМАТГА БУЮРТМАНИ МУЛҚДОРЛАР БЕРАДИ

«Скопле Коммуналчи» бош бўлиб турган уйда ҳар хил ихтисосдаги кишилар яшайди. Улар уйнинг янада шинам ва обод бўлиши йўлида ўз салоҳиятларини ишга солишдан тортинмайдилар. Очил Мардоновнинг касби курувчи, бу уйда юрист, муҳандислар, электрчи ҳам бор. Умумий мол-мулкка хизмат кўрсатиш ишларини бажаришга мутахассислар таклиф этилади. Таваккалчиликка йўл қўймаслик ва иш сифатига кафолатни таъминлаш мақсадида улар уй кўмитасига паспортларига оид маълумотларни ҳамда малакаларини тасдиқловчи ахборотни тақдим этадилар.

Қонун ҳужжатларига кўра ширкат тузилмаган уйдаги турар жойлар мулкдорлари ҳам хизматларга буюртма бериши мумкин. УКнинг 138-моддасида қайд этилишича, кўп квартиралар уй турар жойлар мулкдорлари томонидан бевосита бошқарилганда шу уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш ёки уни таъмирлаш ишларини бажариш юзасидан **хизматлар кўрсатиш шартномалари** турар жойлар мулкдорлари **умумий йиғилишининг қарорлари асосида тузилади**. Бунда учинчи шахслар билан муносабатларда мулкдорлар номидан улар ваколат берган бир ёки бир нечта мулкдор иш олиб боришга ҳақли. **Уйни бошқариш бошқарувчи (ижроочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот томонидан умумий йиғилиш қарори асосида тузиладиган шартномага мувофиқ амалга оширилиши мумкин**. Мулкдорлар жамоаси хизмат кўрсатишни ўз кучи билан (ҳашар усулида) амалга ошириши, жисмоний шахсларни бир галги шартномага биноан ёхуд доимий асосда жалб этиши мумкин. Шунинг ҳам эътиборда тутиш керакки, уй-жой фондини бошқариш шартномаси УКнинг 139-моддасида белгиланган ўзига хос хусусиятларга эга.

Ўзини ортиқча уринтирмаслик учун бир галги ишларни бажаришга кўпчилик мардикор ёллайди. Аммо бу бажарилган иш учун сифат кафолати ва жавобгарлик бўлмайди демакдир. Мулкдорларнинг баъзи жамоалари профессионал бошқарувчи ташкилотга хизматлар юзасидан буюртма бериш йўли билан таҳдид-таваккалчиликдан холи бўлиш мумкин деб ҳисоблайдилар.



Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



НИМАЛАР КИЛИНДИ?

«Скопле Коммуналчи» уй кўмитаси яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари билан муносабатларни йўлга қўйишда ибрат кўрсатмоқда. Шундай мулкдорлардан бири «Скопле» хусусий фирмасининг бошлиғи Анвар Отаевич Раҳимов бўлиб, унинг кўрсатётган ҳомийлик ёрдамини қиёслаш қийин. Уй кўмитаси раисининг энг яқин ёрдамчиси ва маслаҳатчиси сифатида у кўп қаватли уй ҳолатини яхшилаш учун салмоқли ишлар қилмоқда. Анвар Отаевич илгари ХУМШ яхши ишлаши йўлида ғамхўрлик қилган бўлса, эндиликда мулкдорлар жамоаси уй хўжалигини батариб сақлашидан манфаатдордир. «Биринчидан, биз амалда кун бўйи шу ердამиз, демак шароит нормал бўлишини истаймиз. Иккинчидан, хайрия ва ҳомийлик ёрдами халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Эндиликда бизнес соҳаси ўзи учун ишлашдан ташқари ижтимоий вазифаларни ҳал этишга ҳам қайишади».

Уй учун алоҳида қозонхона, ХУМШ идораси қурилишида, йўлакларни таъмирлашда у ҳомийлик қилди. Йўлакларни асфальтлашда, сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини алмаштириш учун

кувурлар сотиб олишда бош-қош бўлди. Уй кўмитасининг идорасидаги принтерли компьютер ҳам шу ҳомийнинг туҳфасидир. Ҳозирги кунда мулкдорлар жамоаси асосан жорий хизмат кўрсатиш иши, авария ҳодисаларини бартараф этиш билан шуғулланмоқда. Ўзига ўзи бош бўлиш билан ўтган кейинги уч йил мобайнида том, канализация тизими жорий таъмирдан чиқарилди, тўртта йўлакдаги муҳандислик коммуникациялари алмаштирилди. 2010 йилги режада томни капитал таъмирлаш, канализация тизими қувурларини пластик қувурлар билан алмаштириш назарда тутилган.

АФЗАЛЛИКЛАРИ НИМАДА?

– Уйни мулкдорлар жамоаси томонидан бошқаришнинг асосий афзаллиги шундаки, юридик шахсдан фарқли равишда биз нақд пул маблағларини тасаруф этишга ҳақлимиз, – дейди Очил Мардонов. – Илгари супурги, ертўла қулфи ва шунга ўхшаш майда-чуйда нарсаларни ҳам пул ўтказиш йўли билан олардик. Баъзан авария ҳолатларини зудлик билан бартараф этиш зарур бўлиб қолади. Аммо тўловни расмийлаштиргунча анча вақт кетади. Шу сабабли бундай ҳоллар-

да ширкатларда одамлар нақд маблағ йиғишга мажбур бўладилар.

Эндиликда уйга хизмат кўрсатиш сарф-харажатлари бизга ХУМШ пайтидагидан икки баравар арзонга тушмоқда. Ана шунинг ҳисобига бир квадрат метр турар жой майдони учун мажбурий бадал миқдорини икки йил мобайнида 100 сўм миқдорида ушлаб туришга муваффақ бўлдик. Бу маблағ жорий хизмат кўрсатиш, аварияни бартараф этиш ишларига етиб ортди, ҳисобварғимизда ҳам пул қолди. Ҳозир жамғармамиз уч миллион сўмга яқинлашиб қолди. Ички ҳужжатлар юритиш заруратига қарамай, турли инстанцияларга юбориладиган ҳисоботлар миқдори камайди, ҳар хил йиғилишларга чақираверишлардан қутулдик. Мулкдорларнинг шахсий ҳисобварақда сақланаётган маблағлари ишлатилганда касса операциялари ўтказганлик учун банк фоиз олмайди. Бу ҳам оз бўлса-да, ҳар қалай тежамкорликни таъминламоқда. Бундан ташқари, одамларимиз уйда тартиб бўлиши, ҳаммаси рисоладагидек бориши энг аввало ўзларига боғлиқ эканлигини тушуниб олдилар. Ҳар қандай усул учун ҳам бу кўрсаткич жуда-жуда муҳимдир. ①



Саводхонлик бурчаги

ИСТЕЪМОЛЧИ САВОЛ БЕРАДИ

Иссиқлик энергияси истеъмолчилари билан етказиб берувчиларининг ўзаро муносабатларига тааллуқли саволлар махсус сонимизга газетхонлардан келадиган хатларнинг салмоқли қисмини ташкил қилади. Агар аҳоли қонун ҳужжатларини яхши билса, уй эгасига иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва унга ҳақ тўлаш шартномасида қайд этилган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билса, тарафларнинг муносабатлари ўзаро илиқ бўлса, эҳтимол, кўп муаммоларга йўл қўйилмаган бўларди. Таҳририятга барча мурожаатларни умумлаштириб, биз «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК (бундан кейин – бирлашма) мутахассисларига бир талай саволлар билан мурожаат қилдик. Уларнинг жавоблари газетхонларимизга иссиқлик энергияси истеъмоли пайтида юзага келадиган муайян муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради деб умид қиламиз.

? Иссиқ сув ва иситиш учун тўловларни бизнинг ХУМШга келадиган «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК вакилига бир йил учун аввалдан тўлаб қўяман. Менга тўлов қитанцияси беришади, лекин иссиқлик билан таъминловчи ташкилот билан шартнома тузганман. Бирлашма вакили бир вақтнинг ўзида бизга шартнома такдим этиши керакми? У қанча муддатга тузилади?

– Шуни аниқлаштириб олиш лозимки, тўлов бирлашма вакилига эмас, балки банк вакилига тўланади. Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 469-моддасига мувофиқ абонент тармоққа белгиланган тартибда амалда биринчи марта уланган пайдан бошлаб шартнома тузилган ҳисобланади. Одатда барча истеъмолчиларимиз (квартира эгалари) шартномаларга эгалар. Бу ҳол жуда кам учрайди, уни ҳал қилиш мумкин. Уй эгасига иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва унга ҳақ тўлаш шартномасининг 5.3-бандига кўра, агар муддат туга-

шига бир ой қолганда тарафлардан бирининг ундан бош тортиши тўғрисида аризаси келиб тушмаса, у ҳар йили узайтирилган деб ҳисобланади.

? Бир қатор ХУМШлар коммунал хизматларни етказиб берувчилар билан тўловларни йиғишда ёрдам кўрсатишга бевосита шартномалар туздилар. Ушбу хизматлар учун йиғимнинг тўлиқлигига қараб улар воситачилик ҳақи оладилар, бу ҳақ ширкатлар бюджетига тушади. «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК тузилмаларида шундай амалиёт мавжудми? У ўзини оқлаяптими? У қандай ҳужжатлар билан тартибга солинади? Воситачилик ҳақининг миқдори қанча?

– Ҳа, бизда иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун аҳолидан пул маблағлари йиғишда ёрдам кўрсатишга ХУМШ билан шартнома тузиш амалиёти мавжуд. Шартнома Президентнинг «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармонида (2002 йил 26 февралдаги ПФ-3038-сон) асосан тузилади. Коммунал хизматлар кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар коммунал хизматлар учун жорий тўловлар бўйича прогноз тушумлари бажарилган тақдирда ХУМШга қуйидаги ажратмаларни тўлайдилар: 100 фоиз қилиб бажарилганда – келиб тушган суммасининг 15 фоизи; тўловларнинг 75 фоиздан ортиғи йиғилганида – 7 фоизи. Яккасарой туманидаги «Яккасарой коммунал иккинчи», «Яккасарой коммунал учинчи», «Беларик», «Кулолтупроқ коммунал» ХУМШлари; Учтепа туманидаги «Файзлик» ХУМШни мисол қилиб келтира оламиз.

? Истеъмолчи иссиқ сув ва иссиқлик учун банкка пул тўлади, бу ҳол квитанция билан тасдиқланди. Бироқ тўлов иссиқлик таъминоти ташкилотининг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушмади. Етказиб берувчи судга истеъмолчи устидан қарзни ундириш тўғрисида даъво аризаси берди. Истеъмолчини биргина хизмат учун икки марта ҳақ тўлашга мажбур қилишмоқда. Бундай вазиятни қонунчилик қандай тартибга солади, манзилга етиб бормаган тўлов масаласини ким ҳал қилиши керак?

– Агар истеъмолчи иссиқлик таъминоти хизматлари учун банк бўлими ёки сайёр кассирга ҳақ тўлаган бўлса, у хизматларни етказиб берувчига тўлов квитанциясини тақдим этиши керак. У мавжуд бўлса, етказиб берувчи банкка хат билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда банклар масалани тез ҳал қиладилар.

? 2007 йилда иссиқлик таъминотчилари илгари бир ширкатга кирган бир нечта уй аҳолиси билан иссиқ сув ва иссиқлик энергияси учун тўловларни солиштирдилар. Натижада 2004 йилда коммунал ва фойдаланиш хизматлари учун ҳақ ягона тўлов топшириқномаси билан «бир дарча орқали» (ширкатга) тўланганлиги аниқланди. Аҳоли ушбу хизматлар учун ХУМШ кассасига пул тўлаган, бу квитанция билан тасдиқланган. Бироқ ширкат тўловларни иссиқлик таъминоти ташкилотининг ҳисоб-китоб рақамига ўтказмаган. Кичрайтириш натижасида ХУМШ ўз фаолиятини тугатган, иссиқлик таъминотчилари эса қарзни ширкатнинг собиқ раҳбарларидан эмас, балки истеъмол қилинган хизматлар учун ҳақни ўз вақтида тўлаган фуқаролардан ундириш тўғрисида судга даъво тақдим этишди. Бундай вазиятда нима қилиш керак? Истеъмолчилар биргина хизматга икки марта ҳақ тўлашлари керакми? Бу ҳол ФКда назарда тутилган даъво қилиш муддатига қанчалик мувофиқ келади?

– Агар аҳоли иссиқлик энергияси учун ХУМШ кассасига пул тўлаган, ширкат эса уларнинг пуллари етказиб берувчининг ҳисоб-китоб рақамига ўтказмаган бўлса, квитанция бўлганда улар фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қила оладилар. Шуни таъкидлаш лозимки, коммунал хизматларни етказиб берувчи учинчи шахсларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун жавоб бермайди.

ФКнинг 150-моддасига кўра, умумий даъво муддати 3 йилни ташкил қилади. Шу тариқа, манфаатлари бузилган шахс ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун юқорида кўрсатилган муддат мобайнида суд органларига мурожаат қилишга ҳақлилар.

? Бизда иситиш мавсуми бир неча ой давом этади, нима учун иситишга бутун йил тўлашимиз керак?

– Коммунал хизматларга тарифларни шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ва рентабеллигининг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомга¹ кўра марказий иситишга тўловнинг йиллик суммаси иситиш мав-

сумининг муддати ҳисоб-китобидан келиб чиқиб белгиланади. Тўловнинг йиллик суммаси 12 ойга тенг миқдорда тақсимланади. Бу аҳолига қулайлик яратиш, қиш ойларида тўловлар кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик учун қилинган.

? Олинмаган иссиқлик энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қандай қилинади? Баъзан иссиқлик таъминотчилари истеъмолчига иссиқлик етказиб берилмаганлигини тасдиқлайдиган далолатномани имзоламайдилар. Бу ҳолда нима қилиш лозим?

? Истеъмолчиларни иссиқлик билан таъминлашда йўл қўйиладиган узилишлар қандай бўлади? Иссиқ сув етказиб беришдаги узилишларни ҳисоблагич қайд этади, иситиш масаласи эса қандай бўлади? Қандай ҳолларда иссиқлик энергиясини етказиб бериш узилишларида қайта ҳисоб-китоб қилиш мумкин?

? Иссиқлик энергиясини тўлиқ етказиб бермаслик ва унинг сифат параметрлари пасайиши унинг истеъмоли учун ҳақ тўлашда қандай акс этиши керак?

– Тўловни қайта ҳисоб-китоб қилиш Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва аҳоли яшайдиган пунктларида уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш, ва коммунал хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлаш тўғрисидаги низом² (бундан кейин – 1173-сон Низом) билан тартибга солинади. Ушбу ҳужжатнинг 22-бандида назарда тутилишича, етказиб бермаганлик сабабли коммунал хизматларга ҳақ тўлаш бўйича қайта ҳисоб-китоблар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (махалла кўмитаси) ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари вакиллари иштирокида коммунал хизматларни етказиб берувчи юридик шахс ва мулкдор ёки уйни ёлловчи томонидан, хизмат кўрсатиш тўхтагандан сўнг 24 соатдан ортиқ вақт ўтгандан кейин тузилган далолатнома асосида амалга оширилади.

Далолатнома юқорида кўрсатиб ўтилган барча шахсларнинг имзолари мавжуд бўлган тақдирда юридик кучга эга бўлади. Етказиб берувчи далолатномани имзолашдан бош тортган тақдирда у бош тортиш сабабини ёзма равишда асослаши шарт. Акс ҳолда уй-жой мулкдори ёки уни ёлловчи судга даъво аризаси беришга ва суд қарори қабул қилинишига қадар коммунал хизматларга ҳақ тўлашни тўхтатишга ҳақлидир.

Далолатнома истеъмолчи томонидан берилган аризага асосан тузилиб, унда дастлабки ҳолатни тиклаш муддати белгиланади. Ушбу асосда белгилангандан кам олинган хизматлар учун қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилади (1173-сон Низомнинг 23-банди). Бажарувчи келмаган тақдирда далолатнома истеъмолчи томонидан уй-жой мулкдорлари ширкати ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари иштирокида тузилади.

? Квартирада қизим рўйхатга олинган, бироқ 5 йилдан буён яшамайди. 1173-сон Низомнинг 24-бандида, агар рўйхатга олинган оила аъзоларидан бири квартирада бир ойдан кўп муддат яшамаса, иссиқ ва совуқ сув таъминоти ҳамда ахлатни олиб чиқиб кетиш учун ҳақ тўлаш механизми назарда тутилган. Туман «Тошиссиққуввати»да Низом амал қилмаяпти деб айтишди, бироқ мен ҳужжат ўз кучини йўқотмаганлигини аниқладим. Бундай ҳолларда қайта ҳисоб-китоб қилиш механизми қандай?

? 4 йил аввал доимий яшаш учун Россияга кўчиб кетган ва квартира рўйхатидан



¹МВ, ИВ ва «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг АВ томонидан 2006 йил 1 майда 1566-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

²«Ўзкоммунхизмат» агентлигининг АВ томонидан 2002 йил 13 сентябрда 1173-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

← **Ўчган оила аъзосини «Тошиссиққуввати» ҳисобидан чиқариш учун нима қилиш керак? Шу вақт мобайнида биз унинг учун иссиқлик таъминоти хизматлари ҳақини тўлаб келдик. Мазкур ҳолда у квартирада яшамаган вақт учун қайта ҳисоб-китоб қилиш мумкинми?**

– 1173-сон Низомнинг 24-бандига кўра, уй-жой мулкдорлари ва квартира ижарачилари ўз оила аъзолари билан бир ойдан кўп муддатга квартирадан чиқиб кетган вақт учун уй-жой фондидан фойдаланувчи ва коммунал хизматларни етказиб берувчи юридик шахсга тегишли хужжатларни тақдим қилсалар, у ҳолда иссиқ сув таъминоти хизматлари бўйича тўлов қайта ҳисоб-китоб қилинади. Марказий иситиш хизматлари ҳақи тўлиқ тўланиши керак. «Ўзкоммунахизмат» агентлиги томонидан кўрсатилган мулкдор ва (ёки) унинг оила аъзолари ҳақиқатан ҳам ҳозир эмаслигини исботлайдиган хужжатлар рўйхатига қуйидагилар киради: қайта ҳисоб-китоб қилишга ариза; паспортчидан маълумотнома (17-шакл); маҳалла кўмитасининг рўйхатдан ўтиш жойида яшамаслигини тасдиқлайдиган далолатномаси; бу ерда яшамайдиган шахснинг ҳақиқатдаги жойлашган жойини тасдиқлайдиган хужжат. «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК ҳисоблагич кўрсаткичлари бўйича бундан кейинги ҳисоб-китоблар учун иссиқ сув истеъмолини ҳисобга олиш асбобини ўрнатишни тавсия қилади. Бу истеъмолчини маълумотномалар йиғишдек ортиқча ташвишдан халос қилади.

Оила таркиби сони ўзгарган тақдирда фуқаро **дарҳол** туман бошқармасига паспортчи ва ХУМШ томонидан тасдиқланган маълумотномани тақдим этиши лозим. Агар фуқаро рўйхатга олинган, бироқ вақтинча яшамаётган бўлса, ҳар йили унинг вақтинча ҳозир эмаслигини тасдиқлайдиган хужжатларни тақдим этиш лозим. 1173-сон Низомнинг 20-бандига кўра, уй-жойдан фойдаланувчи ва коммунал хизматларни кўрсатувчи юридик шахс, уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш билан боғлиқ харажатларга тўланадиган ҳақ миқдорини, **улар аниқланган вақтдан бошлаб, лекин календарь йилдан ортиқ бўлмаган муддатда** қайта ҳисоб-китоб қилади. Мазкур ҳолда барча хужжатлар тақдим этилганидан кейин фақат бир йиллик тўловларингизни қайта ҳисоб-китоб қилиб беришади.

Иссиқлик таъминотчилари истеъмолчини ҳақ тўламаганлиги учун хизматлар олишдан узиб қўйишлари мумкинми?

– Президентнинг «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига (2005 йил 11 февралдаги ПҚ-5-сон) кўра, коммунал хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўламаган истеъмолчилар улар манбаидан белгиланган тартибда узиб қўйиладилар. 3 ойдан ортиқ фойдаланган хизматлар бўйича қарзи бўлган истеъмолчига уни уч кун мобайнида узиш, акс ҳолда иш хўжалик судига берилиши ва у иситиш ва иссиқ сув таъминотидан узиб қўйилиши тўғрисида билдиришнома тақдим этилади. Узиб қўйишни бирлашма ходимлари наряд бўйича амалга оширадилар. Қарз узилгач, истеъмолчи ўз ҳисобига хизматларга уланади.

«Тошиссиққуввати» ходимлари квартира-квартира юриб, ҳақ тўлашни талаб қилишлари мумкинми?

– Иссиқлик энергияси хизматлари учун тўловлар тўлиқ йиғилишига кўмаклашиш мақсадида банк кассирларини жалб этган ҳолда турар жой мавзеларига чиқадиган кўчма кассалардан фойдаланилади. Бу ҳақда аҳоли радиокарнай орқали ёки квартира-квартира юриб хабардор қилинади.

Етказиб берувчи шартнома доирасида квартираларда қандай ҳарорат режими бўлишини таъминлаш мажбуриятини олади? Агар параметрлар анча паст бўлса, истеъмолчи нима қилиши лозим?

– Уй эгасига иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва унга ҳақ тўлаш шартномасининг 2.1-бандига кўра етказиб берувчи қуйидаги мажбуриятларни олади: истеъмолчига иситиш ва иссиқ сув таъминотида иссиқ сув кўринишида иссиқлик энергиясини бериш; истеъмолчининг квартирасига ойна қўйиш ва иситиш бўйича талабларни бажариши, уй ичи ва квартира ичида иссиқлик таъминоти тизимининг соз бўлиши шarti билан квартира ичидаги ҳароратнинг камида 18 °C бўлишини таъминлаш; ҳарорати камида 50 °C бўлиб, 75 °C дан ошмайдиган, тозалиги бўйича КМК 2.04.01-98 «Ички водопровод ва канализация»га мувофиқ келадиган иссиқ сув билан таъминлаш. Иссиқлик таъминоти параметрлари белгиланган нормативлардан четга чиққан тақдирда қайта ҳисоб-китоб суммаси ҳароратларнинг четга чиқишига мутаносиб равишда иситиш ёки иссиқ сув таъминоти учун ойлик ҳисоб-лаб ёзишга қараб белгиланади (шартноманинг 3.2-банди).

Истеъмолчининг квартирасида иситиш тизими мавжуд эмас. У ширкатга мурожаат қилади, бироқ унга иссиқлик билан таъминлаш ташкилоти айбдор деб жавоб беришади. «Тошиссиққуввати» эса айбни ширкатга қўяди. Қонунчилик бундай вазиятларни қандай тартибга солади?

– ХУМШ билан «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК ўртасида мажбуриятлар аниқ чегараланган. «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг (2006 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-32-сон) 28-моддасида кўп квартирали уй-жойдаги мулкдорлар умумий мол-мулкнинг рўйхати белгиланган, унга **техник қаватлар, ертўлалар, чордоқлар ва томлар, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, механик, электрик, санитария-техник ва бошқа ускуналар** ҳам киради. Бирлашма уй-жойнинг пастки қалин қисмигача бўлган иссиқлик тармоқларига қарайди ва ушбу нуқтагача ҳисоб-китоб параметрлари билан иссиқлик элтувчиси етказиб берилишига жавоб беради.

Одатда юқори қаватларда иссиқлик тармоғида иссиқ сув бўлганида уй-жой исимаслигига уй ичидаги иситиш тизимининг ҳолати сабабчи бўлади. Эҳтимол, стояклар ёки иситиш ускуналари тўлиб қолгандир, иссиқлик узели ишини йўлга қўйиш зарурдир ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммасини ХУМШ ва иссиқлик билан таъминлаш ташкилоти текширув далолатномасини тузган ҳолда биргаликда аниқлашлари лозим, унга асосланиб сабабларни бартараф этиш чоралари кўрилиши мумкин.

Уйда бюджет маблағларини жалб этган ҳолда капитал таъмирлаш бажарилди, унинг доирасида иссиқ сув таъминоти тизимлари алмаштирилди.

Бироқ таъмирланганидан кейин квартираларда иситиш тизими ишламаяпти. «Тошиссиққуввати» вакиллари бажарилган ишларни қабул қилишда иштирок этадиларми? Агар иш сифатсиз бажарилганлиги аниқ бўлса, улар вазиятга тўғрилай оладиларми?

– Шаҳарнинг иссиқлик таъминотини яхшилаш учун иссиқлик узеллари ва уй ичидаги тизимлар капитал таъмирланганидан кейин уйларнинг давлат қабулида албатта коммунал хизматларни етказиб берувчи корхоналарнинг вакиллари иштирок этишлари лозим. Афсуски, бу ишга «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК мутахассисларини кўпинча жалб этишмайди. Уларнинг иссиқлик узеллари, уй ичидаги иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизимлари капитал таъмирланганидан кейин аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича мулоҳазалари эса доим ҳам инобатга олинавермайди, уй-жойлар бирлашма мутахассислари билан келишмасдан қабул қилинади.

³Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1999 йил 1 февралда 616-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

⁴Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1999 йил 20 февралда 648-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

? Квартирада иситиш тизими ишламаяпти. «Тошис-
сиққуввати» далолатномалар асосида истеъмол-
чига қайта ҳисоб-китоб қилиб бераяпти. «Қиш-ёз»
тизимини ўрнатиш ва иситиш тизимини кесиб ташлаш
мумкинми?

? Ҳеч ким яшамайдиган жойнинг мулкдори полни
иситиш учун ноқонуний равишда уйнинг иссиқ-
лик тармоғига уланди. Натижада қўшни кварти-
ралар яхши исимаяпти. «Тошиссиққуввати» инспек-
тори иситиш тизимига ноқонуний уланганлиги тўғри-
сида далолатнома тузди, қоидабузарга уни лойиҳага
мувофиқ тиклаш зарурлиги тўғрисида кўрсатма берди.
Бироқ жойнинг эгаси кўрсатмага эътибор бермаяпти,
қўшнилари эса унинг ўзбилармонлигидан азият чекап-
тилар. Бундай вазиятда нима қилиш керак?

? Менинг уйимда батарея базўр илийди. Уни
қўшимча секциялар билан тўлдирсам бўладими?

? Юқори қаватдаги қўшним уйини европача таъмир-
лаб, иситиш тизимини қайта жиҳозлаяпти, уни ке-
сиб, пешайвонга олиб чиқяпти. Унинг бунга рух-
сат берувчи ҳужжатлари йўқ. Бу ҳол уйдаги иссиқ-
лик таъминоти тизимига ноҳуш таъсир кўрсатиши мум-
кинми? Бундай ўзбошимчаликни қандай қилиб тўхтат-
са бўлади?

– Уй-жойни иситиш тизими ягона, мувозанатланган му-
ҳандислик конструкциясидир. Уни айрим хоналарда ўзаро
боғлиқ элементлардан узиб қўйиш муқаррар равишда уйда-
ги бутун иссиқлик таъминоти тизими иссиқлик ва гидравлик
бошқарилиши бузилишига олиб келади. Уй-жойдан техник
фойдаланиш қоидалари ва меъёрларининг³ талабларига
мувофиқ уйда яшовчилар ва слесарларга махсус рухсатсиз
иситиш ускуналарига қўшимча секциялар улаш ёки уларнинг
миқдорини камайтириш, шунингдек иситиш радиаторлари
учун токчалар қуриш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасида аҳолига коммунал хизматлар
кўрсатиш қоидаларининг⁴ 3.3-бандида истеъмолчининг қуй-
идагича иш тутиши тақиқланади:

ижрочининг рухсатсиз ички муҳандислик тармоқларини
қайта жиҳозлаш;

ижрочининг ёзма рухсатсиз техник паспортлари бўлма-
ган ва сотишга рухсат берилмаган электр ускуналари, тех-
ник паспорт (гувоҳномалар)га эга бўлмаган, фойдаланиш-
нинг техника хавфсизлиги талаблари ва санитария-гигиена
нормативларига жавоб бермайдиган газ асбоблари, иситиш
асбобларининг қўшимча секциялари, ростловчи ва берки-
тувчи арматураларни ўрнатиш, улаш;

хизматларни ҳисобга олишнинг мавжуд чизмаларини бузиш;
иситиш тизимларида иссиқлик элтувчидан бевосита мақ-
садига кўра фойдаланмаслик.

Бундан ташқари, 104.05-06 Қурилиш меъёрлари ва қоида-
ларининг 16-«Кўп квартиралар уйларда бино барқарорлиги-
нинг хавфсизлигини таъминлайдиган жойларни реконструк-
ция қилиш, қайта режалаштириш ва қайта жиҳозлаш тарти-
би тўғрисида низом» бандига мувофиқ қуйидагиларга йўл
қўйилмайди:

марказий иситиш тизими стоякларининг лойиҳадаги ҳола-
тини ўзгартириб, пешайвонларни иситиш;

уйдаги умумий иссиқлик таъминоти муҳандислик тармоқ-
ларини бузиш ёки техник тавсифларини бузиш билан боғ-
лиқ қайта қуриш;

газ ёқилғисида ишлайдиган якка тартибдаги иситиш қозон-
лари ва иссиқ сув таъминоти ускуналарини ўрнатиш.

Уй-жой кодекси (УК)нинг 24-моддасида белгиланишича,
кўп квартиралар уйдаги квартира мулкдори маҳаллий давлат
ҳокимияти органларидан тегишли рухсатнома олмасдан ўзига
қарашли жойни ўзбошимчалик билан қайта қурган ёки ўзгар-
тирган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-
да жавобгар бўлади ҳамда бу жойни ўз ҳисобидан аввалги
ҳолатига келтириши шарт.

Иситиш тизимининг ишига ўзбошимчалик билан арала-
шиш, унга тегишли лойиҳа ечимларисиз реконструктив ўзгар-

тишлар киритиш тақиқланган. Қонунчиликда иссиқликни
ҳисобга олиш чизмасини бузганлик ва иситиш ускуналари-
ни ўзбошимчалик билан демонтаж қилганлик учун жавоб-
гарлик назарда тутилган (Маъмурий жавобгарлик тўғриси-
даги кодекснинг 99, 101, 159-моддалари). Уй-жойларда иси-
тиш тизимини бузганлик учун фуқароларга энг кам иш
ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима
солинади.

? Квартирада иссиқ сув истеъмолини ҳисобга олиш
асбоби ўрнатиш. Бироқ жўмракдан иссиқ сув
тушиши учун узоқ вақт кутишга тўғри келади,
ҳисоблагич эса бу вақтда ишлайди. Бунинг сабаби ни-
мада ва уни қандай қилиб бартараф этиш мумкин?

– Пойтахтдаги кўп квартиралар уй-жойлар салмоқли қисми-
нинг иссиқ сув таъминоти тизимларида – тахминан 2 200 та
кўп қаватли уйда циркуляция линияси мавжуд эмас. Бу эса
совуған сувни оқизиш туфайли иссиқ сув кўп сарфланишига
олиб келади. Ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш чоғида бу
ҳол аҳолининг эътирозларига ва бутун сарфланган иссиқ сув
учун ҳақ тўлашдан бош тортишига олиб келади. Бирлашма бу
масалани бир неча марта кўтариб, Тошкент ҳокимлиги, хусу-
сий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг шаҳар уюшмаси,
ТШХҚФБга хатлар юборди, бироқ вазият ўзгармаяпти.

Ўз навбатида «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК «Тошиссиқлик-
электрлоиҳа» ОАЖга иссиқ сувнинг циркуляция линияси
ишлаши керак бўлмаган иситиш мавсумлари орасидаги давр-
да сувнинг совиш коэффициентини ҳисоб-китоб қилишига
буюртма берди. Унинг ҳисоб-китоблари асосида 2004 йил
августдан бошлаб ҳисобга олиш асбоблари билан жиҳоз-
ланган уй-жойларда иссиқ сув таъминоти учун ҳақ ҳисоблаб
ёзилганида иситиш мавсумлари орасида иссиқ сув совуши
учун ҳисоб-китоб коэффициенти – 6 фоиз қўлланади. Ҳозирги
вақтда уни кўпайтириш масаласи кўтариляпти.


? Уйдаги муҳандислик коммуникациялари капитал
таъмирлашни талаб қилади, бироқ ширкат уни
ўтказишга шошилмаяпти. Қишда квартираларга
илик ўтмайди. ХУМШ иссиқни «тушириб юбориш
билан» ушлаб турибди. Ахир, жуда кўп сув йўқотили-
ши, уни иситиш харажатларидан ташқари, пойдевор
ювилиб, бинога зиён етаяпти, иссиқхона эффекти юзага
келиб, бу аҳолининг соғлиғига зарар етказаяпти. «То-
шиссиққуввати» ходимлари бундай вазиятларни назор-
рат қиладиларми? Бунга йўл қўйган ХУМШ раҳбарла-
рига нисбатан қандай санкциялар қўлланади?

– Афсуски, шартнома муносабатларининг йўқлиги мута-
хассисларимизнинг кўрсатмаларини ХУМШ раҳбарияти ба-
жармаслигига олиб келиши мумкин. ХУМШнинг лоқайд хо-
димларига нисбатан бирлашма ҳеч қандай санкциялар қўя
олмайди. Мутахассисларимиз далолатномалар тузадилар,
бундай қоидабузарликлар далиллари тўғрисида туман ҳоким-
ликларига маълум қилинади.

? ХУМШ ходимлари аҳолига иссиқ сувни ҳисобга
олиш асбобларини ўрнатиш бўйича хизматларни
таклиф этишади. Уларнинг бунга ҳақи борми ёки
бу «Тошиссиққуввати» мутахассисларининг хос
ҳуқуқими? Ҳисоблагичлар, уларни ўрнатиш қанчага ту-
шади? Хизмат кўрсатишнинг кафолатли муддатлари
борми? Аҳоли ҳисоблагични ўрнатишдан бош тортиши
мумкинми?

– ХХР ҳукуматининг имтиёзли кредитидан фойдаланган
ҳолда «Ўзбекистон Республикаси уй-жой фондини совуқ ва
иссиқ сув ҳисоблагич асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш»
инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида ҳисоб-
лагичларни ўрнатиш учун жавобгарлик «Ўзкоммунахизмат»
агентлиги, сув таъминоти ва иссиқлик таъминоти ҳудудий
корхоналари зиммасига юкланган. Шу сабабли иссиқ сув
ҳисоблагичларини ўрнатиш билан нафақат иссиқлик таъми-
нотчилари, балки ХУМШ ҳам шуғулланади.

«Тошиссиққуввати» абонентлари билан уларни
ўрнатиш, техник хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш
учун шартномалар тузади. Ҳисобга олиш асбоби-



Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

нинг умумий қуввати, ўрнатиш билан бирга, тўлаш пайтида Марказий банк курси бўйича 20,19 АҚШ долларини ташкил қилади. Шартнома тузилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида абонент ҳисоблагич умумий қийматининг 15 фоизи миқдорида дастлабки ҳақни тўлайди, қолган 85 фоизни 47 ой мобайнида тенг улушларда тўлаб боради. Ҳақни дарҳол ёки муддат тугашига қадар ҳам тўлаш мумкин. Ўрнатилганидан кейин «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК метрологи абонент билан бажарилган ишлар далолатномасини тузади. Иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобига ҳақ тўлиқ тўланганидан кейин абонент унинг мулкдорига айланади. Ҳисоблагич ишлашининг кафолатли муддати бажарилган ишлар далолатномаси имзоланган кундан бошлаб 48 ойни ташкил қилади.


? Иссиқ сувни ҳисобга олиш асбоблари ишига ноқонуний аралашганлик учун қандай санкциялар назарда тутилган?

– Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасида назарда тутилишича, иссиқлик энергияси тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки электр, иссиқлик энергияси, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

«Ўзбекистон Республикаси уй-жой фондини совуқ ва иссиқ сув ҳисоблагич асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида кўп хонадонли ва якка тартибдаги турар жой биноларида совуқ ва иссиқ сув ҳисоблагич узелларини сотиб олиш, ўрнатиш ва ишга тушириш тартиби тўғрисидаги низомнинг (Президентнинг ПҚ-553-сон қарорига 3-илова) 34-бандида қуйидагича белгиланган:

Истеъмомчининг айби билан пломбалар бузилган ва сув ҳисоблагичларига доир техник ҳужжатлар йўқолган тақдирда у назоратчининг охириг келиш кунидан бошлаб сутканинг 24 соати мобайнида ундан

узлуксиз фойдаланиш ва совуқ (иссиқ) сув таъминоти қувурининг тўлиқ ўтказиш қобилияти ҳисоб-китобидан келиб чиқиб хизматлар қийматини, шунингдек такрорий текширув синовлари ўтказиш қийматини тўлайди.



? Истеъмомчи ҳисоблагичнинг кўрсаткичлари тўғрилигига шубҳаланяпти. У қаерга мурожаат қилиши керак, текшириш механизми қандай, ҳисобга олиш асбоблари кимнинг ҳисобига таъмирланади?

– Уй-жойлардаги квартираларда ўрнатилган иссиқ сувни ҳисобга олиш асбоблари истеъмомчиларнинг мулкдир. Улар иши хусусида шубҳа туғилганда таъмирлаш ва текшириш учун махсус марказларга, масалан, Давстандарт, «Toshkent-Zenner» ҚК, «Сувсоз» трести ҳузуридаги «Сув ўлчагич» ШКга мурожаат қилиш мумкин. Уларнинг хизматлари пулли. «Тош-иссиққуввати» ИЧБ УКда иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларини (Хитой кредити бўйича ўрнатилган) ўрнатиш, таъмирлаш ва алмаштириш бўйича сервис маркази мавжуд, у ҳисоблагичларга кафолатли хизмат кўрсатади. Кафолат муддати тугагач, хизмат кўрсатиш истеъмомчи ҳисобидан амалга оширилади. Ҳисоблагич текширувга берилаётганида пломбани бирлашма вакили ҳозирлигида олиш керак. ①



Сиз учун ҳужжат

ҲИСОБЛАГИЧ ЎРНАТИЛГАНДА...

Республикаимизда Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭИХНАТ) ҳамма жойда жорий этилмоқда ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектлар ва маиший истеъмомчилар (аҳоли)да электр энергиясини ҳисобга олишнинг замонавий электрон асбоблари ўрнатилмоқда. Жадвалга кўра (Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 июндаги 150-сон қарорига* 3-илова) 2011 йил охирига қадар маиший истеъмомчилардаги эски электр ҳисоблагичларни замонавий электрон ҳисобга олиш асбобларига алмаштириш режалаштирилган.

ЭИХНАТ ва замонавий ҳисобга олиш асбобларининг жорий этилиши электр энергиясидан қарзларни қисқартириш, унинг сарфини аниқ ўлчаш, шунингдек кўрсаткичларини пасайтириш мақсадида ташқаридан электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари ишига ноқонуний аралаштишга тўсқинлик қилиш, етказиб берилаётган электр учун ҳақ тўлаш тартиби соддалаштишига олиб келади. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22

августдаги 245-сон қарори билан янги Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари (бундан кейин – 245-сон Қоидалар) тасдиқланди. Уларнинг 106-бандига мувофиқ электр энергиясини маиший истеъмомчиларга** етказиб бериш улар билан ҳудудий электр тармоқлари корхонаси*** тузган электр таъминоти шартномалари бўйича амалга оширилади. У аҳоли учун белгиланган ягона бир ставкали тариф бўйича тўланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ЭИХНАТга мувофиқ келадиган янги электрон ҳисоблагичлар ўрнатилган абонентлар учун олдиндан ҳақ тўлаш қоидаси жорий этилган. Чунончи, 245-сон Қоидалар 102-бандининг иккинчи хатбошисига кўра Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига киритилган маиший истеъмомчиларга электр энергиясини етказиб бериш улар ол-

*«Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

**Маиший истеъмомчи (аҳоли) – ҳудудий электр тармоқлари корхонаси (бош ишончнома асосида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси номидан шартнома тузувчи электр таъминоти корхонаси) билан электр таъминоти шартномаси тузган ва электр энергиясидан маиший эҳтиёжлар учун фойдаланадиган жисмоний шахс.

***Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси – вилоят, шаҳар, иқтисодий зона (саноат зонаси) доирасида электр таъминоти шартномаси асосида истеъмомчиларга электр энергиясини сотиш ва тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

диндан тўлаган ҳақ доирасида амалга оширилади. 116-бандга кўра эса, тўлов бўйича қарз мавжуд бўлганда истеъ- молчидан муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,1 фоиз миқдорида, бироқ муддати кечиктирилган тўлов суммаси- нинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқ- дорда пеня ундирилади. Илгари амал қилган Электр энергиясидан фойдала- ниш қоидаларининг**** (бундан кейин – 32-сон Қоидалар) 118-бандига муво- фиқ энергия билан таъминлаш ташки- лоти уни тўлаш бўйича қарздорлик 3 ойдан кўпроққа чўзилса, абонентга электр энергиясини узатишни тўхта- тишга ҳақли эди. Ҳозир амал қилаёт- ган 245-сон Қоидаларга кўра ҳудудий электр тармоқлари корхонаси абонент- да тўлов бўйича, масалан, 5-10 кВт қарз бўлса, яъни олдиндан тўланган сумма- дан ортиқча истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳажмидан қатъи назар, уни тармоқдан узиб қўйишга ҳақлидир.

32-сон Қоидаларга кўра ҳудудий электр тармоқлари корхонаси абонен- тни узиб қўйиш тўғрисида 1 ой аввал хабардор қилиши керак эди. Янги 245-сон Қоидаларда ушбу меъёр чиқа- риб ташланган. Энди абонентлар улар- да электр энергияси бўйича ҳосил бўлган қарз тўғрисида ҳар ойда почта билдиришномасини олишлари керак, агар ўз вақтида ҳақ тўламасалар, электр тармоғидан узиб қўйилишлари мумкин.

Тўловларнинг муддатлари аввалги- дек қолди, 245-сон Қоидаларнинг 111-бандига мувофиқ электр энергия- си учун олдиндан ҳақни маиший истеъ- молчилар ҳар ойнинг 10-кунига қадар аҳолидан тўловларни қабул қиладиган пунктлар ва ташкилотлар орқали тўлаш- лари керак. Агар абонент квартира, уй ва ҳ.к.да яшамаса ҳамда электр энер- гиясидан фойдаланмаса, шу сабабли унда ҳар ойда электр учун ҳақ тўлаш


зарурати бўлмаса, бу ҳақда у электр билан таъминлаш ташкилотини ёзма равишда хабардор қилиши керак. Агар истеъмолчи муайян вақт оралиғи, ма- салан, ярим йил учун бир ойга кВт ўрта- ча ҳисоб-китобидан келиб чиқиб олдин- дан ҳақ тўлаган бўлса, ҳам ҳар ойда пул тўлаши керак эмас.

Ҳозирча эски электр ҳисоблагичлар- дан фойдаланаётган абонентлар учун электр энергиясига ҳақ тўлашнинг ил- гари белгиланган тартиби амал қила- ди, яъни жорий ойнинг 10-кунига қадар улар электр энергиясининг ҳақиқатда истеъмол қилинган ҳажмига ҳақ тўлаш- лари керак. Аввал бўлганидек, маиший истеъмолчи хоҳишига кўра 12 ойдан кўп бўлмаган муддатга, **тариф ўзгарган- да суммани қайта ҳисоб-китоб қил- май** электр энергиясидан фойдалан- ганлик учун олдиндан ҳақ тўлаши мум- кин.

Янги электрон ҳисобга олиш асбоб- ларини ўрнатиш ва эски электр ҳисоб- лагичларни уларга алмаштириш тарти- би тўғрисида алоҳида гапириш керак бўлади.

245-сон Қоидаларнинг 103-бандига кўра Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига улана- диган электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини **электр тармоғи- га янги уланадиган уйлар ва квар- тираларда** ушбу уйлар ва квартира- ларнинг эгалари харид қиладилар. Улар ўз ҳисобларидан давлат текши- рувини ўтказадилар ва рўйхатдан ўтка- зиш учун ҳудудий электр тармоқлари корхонасига топширадилар, унинг ва- кили абонентнинг буюртманомаси бўйича бир ҳафтада янги электрон ҳисоблагични ўрнатади.

Эски электр ҳисоблагичларни янги ҳисоб-китоб ҳисоблагичларига алмаш-



тиришга келсак, 245-сон Қоидалар 103-бандининг учинчи хатбошисига кўра, аҳолига у **ҳудудий электр тар- моқлари корхонаси маблағлари ҳисобига** алмаштирилади. Маиший истеъмолчи янги электрон ҳисоблагич- ни сотиб олиш ва уни ўрнатиш хизмат- ларига ҳақ тўлашга мажбур эмас (**Шуни назарда тутиш лозимки, бу электр тармоғига янги уланадиган уйлар ва квартираларга тааллуқли эмас**). Агар янги электр ҳисоблагич абонент айби билан бузилса, уни соз ишловчи асбобга алмаштириш бутунлай абонент ҳисобидан амалга оширилади.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, электр энергиясини ҳисобга олувчи ҳисоб-ки- тоб ҳисоблагичлари бунинг учун мах- сус ажратилган жойларда ўрнатилади. Кўп квартиралар уйларда улар, одатда, зинопо я майдончаларида жойлашган электр шчитлардир. Хусусий уйларда улар одатда Энергосотув вакиллари тез ва тўсиқсиз кириб назорат қила олишлари учун бино фасадида ўрна- тилади. Агар ҳисоблагич турар жой ичида жойлашган бўлса ва энергия билан таъминлаш ташкилотининг ва- кили уни бунинг учун махсус ажратил- ган жойга кўчиришни талаб қилса, маз- кур талаб қонуний, истеъмолчи уни ба- жариши керак. ①

Артём АДЕЕВ,
«Norma» МЧЖ эксперт-юристи.

БИР ТОМ ОСТИДА



Бизнинг оиламиз беш қаватли уйда ижарада туради. Квартира эгаси билан келишиб олдик: биз яшаш учун ҳақ тўлаймиз, у эса коммунал хизматлар ва уйдаги умумий мол-мулкни сақлаб туришга тўловларни тўлайди. Бироқ квартира эгаси бундай қилмади ва ҳаммасига биз балогардон бўляпмиз. Ширкат ходимлари биздан бадалларни тўлашни талаб қилишяпти, уларнинг айтишича, квартира эгасининг қарзи катта экан. Коммунал хизматларни тўлаш масаласида ҳам шу аҳвол. Биз ХУМШга квартира эгасининг телефон рақамларини бердик, бироқ у жавоб бермайди, ширкат раиси эса барча даъволарини бизга айтяпти. Биз эса квартира эгасининг олдидаги мажбурият- ларимизни бажаряпмиз: бўнак билан йилда икки марта тўлов тўлаймиз. Умумий мол-мулкни сақлаш ва коммунал тўловлар учун ҳақ тўлашимиз керакми?

О.Иброҳимова.
Тошкент шахри.

ИЖАРА ОЛУВЧИ ВА ИЖАРАГА БЕРУВЧИЛАР: ҲУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР

Қонун ҳужжатларида ижарага олувчилар ва ижарага бе- рувчиларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида нималар дей- илган? Уй-жой кодекси (УК) 35-моддасида белгиланишича, кўп квартиралар уйдаги турар жойни **ижарага олувчи** уйнинг умумий фойдаланишдаги мол-мулкдан белгиланган тартиб-

да фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. **Ижарага берувчи** ижара- га берилган турар жой жойлашган уй-жойни лозим даража- да сақлаб туриши, зарур коммунал хизматларни тўлов эва- зига ижарага олувчига тақдим этиши ёки тақдим этилишини таъминлаши, умумий мол-мулкни таъмирлашда иштирок эти- ши шарт.

Ижарага олувчи, ижарага олувчининг оила аъзо- лари ва у билан доимий яшаётган фуқаролар:



Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



кўп квартирали уйнинг турар жойларидан, умумий фойдаланишдаги мол-мулкидан белгиланган мақсадда, бошқа фуқаролар ва юридик шахсларнинг уй-жой ҳуқуқи, ўзга ҳуқуқларини камситмаган ҳолда фойдаланиши;

турар жойларнинг асралишини таъминлаши, шунингдек уларни тегишли техник ҳамда санитария ҳолатида сақлаб туриши;

авария юз берган тақдирда, ўзлари эгаллаб турган турар жойга тегишли авария-таъмирлаш хизматлари вакиллари киришларини таъминлаши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган техник, санитария, экологик ва ёнғинга қарши талабларни бажариши;

ижара шартномаси бўйича турар жойлар ҳақини ва коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаши шарт.

УКнинг 132-моддасида назарда тутилишича, кўп квартирали уйдаги турар жой мулкдори ўзига қарашли турар жойни ўз ҳисобидан тегишли техник ва санитария ҳолатида сақлайди, шунингдек кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни ва шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича умумий харажатларни ўз зиммасига олади. У ўзининг умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатлардаги иштирокига доир мажбуриятини турар жойни шартнома бўйича ижарага олувчига ўтказиши мумкин. Мазкур ҳолда у ширкатни, бошқарувчини (ижроchi директорни) ёки бошқарувчи ташкилотни ёхуд турар жойлар мулкдорлари томонидан вакил қилинган шахсни умумий мол-мулкни ва шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича умумий харажатларни тўлашга доир мажбуриятлар жойни ижарага, арендага олувчига ўтказилганлиги ҳақида хабардор қилиши шарт. Бироқ бундан ундан тўлов ўз вақтида тўланиши учун жавобгарлик соқит қилинмайди.

Коммунал хизматлар учун мажбурий тўловларни тўлашга келсак, УКнинг 133-моддасига мувофиқ ижарага олувчилар уларни қонунчиликка ва коммунал хизматларни етказиб берувчи (ижро этувчи) корхоналар билан тузилган шартномаларга мувофиқ тўлашлари шарт.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг намунавий уставида* айтилишича, ХУМШ турар жойларни ижарага олувчиларнинг ширкатнинг умумий мол-мулки, ер участкаси ва мол-мулкидан фойдаланиш қоидаларига риоя этишларини таъминлаш ҳуқуқига эгадир (5.1-банд). Уставнинг 6.1-бандида белгиланишича, ХУМШ аъзоси турар жойни ижарага олувчига ширкат аъзоси сифатида ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бериш ҳуқуқига эгадир. Мулкдор турар жойни ижарага берганида у 10 кун ичида ширкатни бу ҳақда, шунингдек у турар жойни ижарага бериш шартномаси бўйича

*Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 майдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган.

**Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги «Давлат уй-жой фонди хусусийлаштирилиши муносабати билан норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 325-сон қарорига 3-илова.

ўзининг умумий харажатларда иштирок этиш мажбуриятини берган-бермаганлиги тўғрисида хабардор қилиши шарт. Ижарага олувчи унга ижара шартномаси бўйича берилган умумий харажатларда иштирок этиш мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда ширкат олдида ХУМШ аъзоси жавобгар бўлади. Агар ижарага олувчи бошқа мулкдорлар ёки ширкатнинг мол-мулкига зарар етказган бўлса, турар жой эгаси – ХУМШ аъзоси уни ўз ҳисобидан бартараф этиши шарт.

Ижарага олувчи билан ижарага берувчи ўртасидаги муаммолар асосан тарафлар ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этиладиган турар жойнинг ижара шартномасини тузмасликлари туфайли юзага келади. Квартира эгалари бундан бўйин товлайдилар, чунки Солиқ кодексига мувофиқ солиқларни тўлашлари шарт. Бироқ уларнинг кўпчилиги бундай қилмайди. Шу сабабли ижарага берувчилар шартнома тузишни ўзлари учун номақбул деб ҳисоблайдилар. Ижарага олувчилар бунга талаб қилмайдилар, чунки квартира эгаларига қарамлар ва уларга шарт қўя олмайдилар. Бироқ айтилган шартнома иккала тарафни номақбул ҳолатлардан ҳимоя қилади. Агар сиз мажбурий бадаллар тўлови учун ким – ижарага олувчиси ёки ижарага берувчиси – жавоб беришини тартибга соладиган шартнома тузганингизда, тўлов билан боғлиқ муаммолар юзага келмас эди. Бошқа тарафдан, шартнома квартира эгасини ҳам квартирантнинг эҳтимолий хатарларидан ҳимоя қилади. **Ижарага олувчига умумий мол-мулкни сақлаш бўйича ўз мажбуриятини шартнома бўйича бермаган ва бундан ширкатни хабардор қилмаган мулкдор бадаллар ва коммунал хизматлар ўз вақтида ҳамда тўлиқ тўланиши учун жавобгар бўлади.**

ШАХСИЙ ВА УМУМИЙ МУЛК ЎРТАСИДА

Кўп квартирали уйда квартира мулкдорлари билан ижарага олувчилар ўртасида зиддиятлар келиб чиқишининг сабаби, одатда, квартирант ўзини вақтинча яшовчи деб ҳис қилишидир. Уларнинг кўпчилиги уй хўжалигини яхшилаш ва ривожлантиришга, мулкдорларнинг манфаатларини ҳисобга олишга интилмайдилар. Уйдаги квартирантлар Турар жойларни ва уй атрофидаги ерларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига** риоя қилмайдиган, кўплаб муаммолар туғдирадиган ҳолларни истаганча келтириш мумкин. ХУМШ аъзолари томонидан квартирантларни кўчириб юбориш тўғрисида қарорлар қабул қилинган, квартираларни ижарага берадиган мулкдорлар уларга бўйсунушга мажбур бўлган ҳоллар мавжуд. Бироқ ижарага олувчилар аҳил, жипслашган жамоанинг аъзосига айланадиган, қўшнилари билан биргаликда ўзлари яшаётган уйни яхшилашга ҳаракат қилаётган ҳоллар ҳам оз эмас.

Бундай ҳоллар кўпайиши учун ижарага олувчилар ҳам, ижарага берувчилар ҳам ўз муносабатларини шартномалар асосида қуришлари керак. Уларни мажбурий равишда тузишни назорат қилган ширкат ҳам бундан фақат ютади. ①



Мавзуга қайтиб

КВАРТИРАДАН ДАРОМАД ОЛИНСА



Мен ўз квартирамни вақтинча бир оилга (яшашлари учун) ижарага берганман. Бироқ яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаганман.

Мол-мулк солиғини қайси – 3,5 ёки 0,5% ставка бўйича тўлашим кераклигини тушунтириб берсангиз. Яна қандай солиқларни тўлашим керак?

Р.Кутлимуродов.

– Солиқ кодекси (СК)нинг 276-моддасига кўра жисмоний шахслар томонидан квартира ижарага берилганида, фақат агар квартира ижарачиси юридик шахс ёки яқка тартибдаги тад-

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

биркор бўлгандагина, **мол-мулк солиғи** юридик шахслар ставкаси бўйича (3,5%) тўланади. **Квартира жисмоний шахсларга яшашлари учун ижарага берилганида мол-мулк солиғи жисмоний шахслар ставкаси бўйича (мол-мулк инвентаризация қийматининг 0,5%) тўланади.**

Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлардан жисмоний шахслар **жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни** ҳам тўлашлари керак. Агар ижарачи жисмоний шахс бўлса, солиқнинг ҳисоб-китоби ДСИда ижарага берувчи томонидан тақдим этилган декларация бўйича амалга оширилади. **Ижарага беришдан даромад** оладиган жисмоний шахслар учун декларациялашнинг алоҳида тартиби белгиланган: дастлабки ва узил-кесил (йил якунлари бўйича) (*СКнинг 192-моддаси*). Дастлабки декларация бундай даромадлар пайдо бўлган кундан бошлаб биринчи ой тугаганидан кейин 5 кун мобайнида тақдим этилади.

Масалан, жисмоний шахс 6 ойга (апрель-сентябрь) жисмоний шахс билан квартирани ижарага олиш шартномасини (яшаш учун) тузди. Тарафларнинг келишувига кўра тўлов – 80 минг сўм ҳар ойда (ҳар бир ойнинг 7-кунига қадар) тўланади. Бу ҳолда дастлабки декларация ДСИга 5 майга қадар тақдим этилади. Унда ойлик ижара ҳақи суммаси (80 минг сўм) кўрсатилиши керак. Ундан солиқ органлари жисмоний шахсларнинг даромад солиғини ҳисоблаб чиқардилар ва солиқ суммаси ҳамда уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномасини расмийлаштирилди. Таъкидлаш жоизки, дастлабки

декларация бир марта тақдим этилади, солиқ эса ҳар ойда, ижара ҳақи олинган ойдан кейин келувчи ойнинг 5-кунига қадар (масалан, 5 майгача, 5 июнгача ва ҳоказо) тўланади.

Ижара шартномаси бекор қилинганда (амал қилиш муддати тугаганда) ва, тегишинча, ундан даромад олинмай қўйилганда бу ҳақда солиқ органини ёзма равишда хабардор қилиш керак. Солиқ кодекси хабарнома тақдим этишнинг аниқ муддатини белгиламаган, бироқ уни ижара шартномасининг амал қилиши бекор қилинган ойда (сентябрь) ёки у тугаши билан дарҳол тақдим этиш жисмоний шахс учун манфаатлидир. Ижарани бекор қилиш (ижарадан даромад олинмай қўйилган) муддатлари тўғрисида ахборот тақдим этилмаса, солиқ органи илгари эълон қилинган суммадан (80 минг сўм) энг юқори ставка бўйича (22%) солиқ ҳисоблаб ёзади ва ушбу суммани тўлашга хабарнома юборади.

Ижарадан даромад олинган йил якунлари бўйича жисмоний шахс кейинги йилнинг 15 январигача узил-кесил декларация тақдим этиши керак. Яъни 2010 йилда олинган даромадлар бўйича декларацияни 2011 йилнинг 15 январигача тақдим этиш лозим. Ушбу декларацияда амалда ижарадан олинган даромадлар ва тўланган солиқ (йил мобайнида жами) бўйича якуний суммалар кўрсатилиши керак. Пул тўланганини тасдиқлаш учун декларация билан бирга ДСИга тўлов ҳақида квитанцияларни тақдим этиш лозим.

Йил якунлари бўйича солиқ суммасини солиқ органи жисмоний шахслар даромад солиғининг умумбелгиланган шкаласи бўйича ҳисоблайди (2010 йилда – Президентнинг 2009 йил

22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-1245-сон қарорига 8-илова бўйича). Агар узил-кесил ҳисоб-китоб бўйича солиқ органи жисмоний шахсларнинг даромад солиғи кам тўланганлигини аниқласа, ушбу суммани 15 мартдан кечиктирмай тўлаш керак.

Ижарадан даромадлар билан бир қаторда солиқ солинадиган бошқа даромадлар олган жисмоний шахслар 1 апрелгача жами йиллик даромад тўғрисида декларация ҳам тақдим этишлари керак.

Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун квартира ижарага берилганида ижарага берувчи жисмоний шахсда **ер солиғини** тўлаш мажбурияти юзага келади (*СКнинг 288-моддаси*). Бундай тартиб 2010 йил 1 январдан бошлаб 2009 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-241-сон Қонун билан жорий этилган. Ер солиғи ҳисоб-китобини солиқ органи квартираларини ижарага берадиган жисмоний шахслар тўғрисидаги мавжуд маълумотлар (жисмоний шахслар тақдим этадиган декларация бўйича), давлат кадастри хизматлари маълумотлари ҳамда Президентнинг ПҚ-1245-сон қарорига 19-иловада белгиланган ер солиғи ставкалари асосида ҳам бажаради. Ер солиғи суммасига тўлов хабарномаси расмийлаштирилиб, у жисмоний шахсга 1 майдан кечиктирмай топширилади. Ер солиғи тенг улушлар билан йилда икки марта: 15 июнгача ва 15 декабргача тўланади. **❶**

**Жавобни «Norma Ekspert»
гuruҳи мутахассислари
тайёрладилар.**

ПЕНСИОНЕР УЧУН КИМ ТЎЛАЙДИ?

? Уйимиздаги баъзи кўшнилари кўп квартираларни уйга техник хизмат кўрсатилиши учун ҳақ тўлашмайди, бунга пенсионер эканликлари ва гўё ушбу тўловдан озод қилинганликларини ваъж қилиб кўрсатишади. Жорий йилда мен ҳам пенсияга чиқдим, техник хизмат кўрсатишга ҳақ тўлашим керакми ёки керак эмасми?


**Ю.Кукина.
Ангрен шахри.**

– Биринчидан, аниқлик киритиб оламиз: кўп квартираларни уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жой-

ларнинг мулкдорлари унга техник хизмат кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашмайдилар, балки квартира мулкдорларининг умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий ойлик бадалларни тўлайдилар. Унга кўтариб турадиган ва тўсувчи конструкциялар, квартиралар орасидаги зинапоя панжаралари, зинапоялар, лифтлар, лифт шахталари ва бошқа шахталар, йўлаклар, техник қаватлар, ертўлалар, чордоқлар ва томлар, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, турар жойлардан ташқарида ёки ичида жойлашган ҳамда биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ва бошқа



Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



ускуналар ҳамда қурилмалар киради. Умумий мол-мулк барча квартира эгаларига умумий улушли мулк ҳуқуқида тегишлидир.

Квартирангизни хусусийлаштириб, сиз нафақат ўз турар жойингизнинг, балки уйингиз томи остида жойлашган барча нарсанинг ҳам мулкдорига айландингиз. Умумий мол-мулкда ҳар бир мулкдорнинг улуши бўлиб, у натурада ажратилмайди. Шу сабабли у улушли деб номланади.

Хусусийлаштиришга қадар квартирангизнинг, шунингдек уйдаги умумий мол-мулкнинг ҳам мулкдори давлат (ёки идора) эди. У уй-жой фондини сақлаб туриш бўйича хизматлар буюртмачиси бўлиб, уй-жойдан фойдаланиш идоралари (ЖЭКлар), кейин ижара корхоналари уларнинг ижроси эди. Хусусийлаштиришдан кейин кўп квартиралар уйларда мулк ҳуқуқи ўзгарди. Уй-жой фонди давлат мулки бўлмай қолди. Мулк ҳуқуқи ўзгариши оқибатида кўп квартиралар уйларнинг аҳоли ва уларни сақлаб туриш учун давлат органлари эмас, балки уларнинг мулкдорлари жавобгар бўлмоқдалар.

Турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ҳар бир мулкдори ўзининг турар жойини ўз ҳисобидан лозим даражада санитар ва техник ҳолатда тутиб туради. **Уйдаги жой мулкдорларининг ҳаммаси уйдаги умумий мол-мулкни биргаликда сақлашлари шарт (2006 йил 12 апрелдаги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида» ЎРҚ-32-сон Қонуннинг 30-моддаси).** Квартира эгасининг умумий харажатларда иштирок этиш улуши уйнинг умумий майдонида мулкдор жойининг майдонига мутаносиб равишда белгиланади.

Турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар ҳар бир мулкдорининг ўз ҳисобидан умумий мол-мулкни сақ-



лаб туриш, бинобарин, ушбу мақсадларга бадалларни ўз вақтида тўлаш мажбуриятини белгилаб, қонунчиликда ушбу жавобгарликни пенсия ёшидаги мулкдорлардан олиш назарда тутилмаган. Умумий мол-мулкни сақлаб туриш бадалларининг миқдори ХУМШ аъзолари (мулкдорлар) умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Агар уйда кам таъминланган пенсионерлар бўлса, умумий йиғилиш ижтимоий мадад сифатида маълум даврга уларнинг мажбурий бадаллари миқдорини камайтириши мумкин. Умумий йиғилишнинг қарори асосида пенсионерларнинг узрли сабабга кўра ҳосил бўлган мажбурий бадаллар бўйича қарзининг бир қисми ҳисобдан чиқарилганлигига мисоллар бор. Бироқ бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, баъзи яшовчиларни мажбурий бадалларни тўлашдан озод қилиш бошқа мулкдорларнинг тўлови миқдорини кўпайтиради. Умумий мол-мулкни сақлаб туришга тўловлар бўйича қарзни узишда, ширкатнинг илтимосномасига кўра, баъзи ХУМШларда маҳалла кўмиталари ёрдам бермоқда. ❶



Фойдали маслаҳат

ТАЪМИРЛАШ КЕРАКМИКАН?

Агар сиз ўз турар жойингизни сотмоқчи бўлсангиз, уни таъмирлаш кераклиги ёки керак эмаслигини яхшилаб ўйлаб кўринг. Агар керак бўлса, қандай таъмирлаш лозим бўлади?

2010 йил январда британиялик риелторлар ўз уй-жой майдонини сотиш учун такомиллаштирганда уй эгалари йўл кўядиган асосий хатолар рўйхатини туздилар. Рўйхатга икки кичик хонали битта катта хонага бирлаштириш ҳисобига хоналар сонини камайтириш ҳам киритилган. Буюртмага бажарилган мебелни ошхона ва ванна хонасига жойлаштириш ҳам бефойда, чунки харидорларда уларни жойлаштириш бўйича ўз фикрлари бўлиши мумкин. Антирейтинг – ҳашамдор дизайн ва интерьерда урф бўлган ранглардан фойдаланиш ўринсиз: экспертларнинг ҳисоблашича, нейтрал ранг ва соддагина безатиш кўпроқ харидорларга маъқул келади.

Кўчмас мулк бўйича россиялик мутахассисларда ҳам ўз навбатида турар жойини сотиш олдида жихозлаш бўйича бир қатор маслаҳатлар мавжуд. Квартирани таъмирлаш доим ҳам унинг қийма-

тини оширавермайди. Унга сарфланган пуллар ўзингизга қайтиши тўғрисида унчалик умидвор бўлманг. Агар турар жой сифатли, яъни кўчиб келиб яшайвер қабилда таъмирланган бўлса, харидор сизнинг қўйган нархингизга рози бўлиши мумкин. Квартиранинг дераза ва эшик каби эътиборли элементлари ҳам нархнинг ошишига таъсир кўрсатиши мумкин. Совет давридагига қараганда замонавий моделлар харидорларда анча яхши таассурот қолдиради.

Қолган барча ҳолларда тажрибали сотувчилар таъмирлашга вақт, саъй-ҳаракат ва пул сарфламасликни маслаҳат берадилар. Энг муҳими – топ-тоза бўлсин ва сантехника соз ишлаб турсин. Албатта, агар сўз шипда оққан сувнинг излари қолган ва сантехника ишламайдиган, «дабдаласи чиққан» квартира тўғрисида борса, турар жойни одамшаванда аҳволга келтирган дуруст, бироқ ортиқча ҳашамдорликка

ўрин йўқ. Бироқ бунинг учун дарҳол ҳатто «пардозлаш»ни бошлашнинг кераги йўқ. Гулқоғозларни бошқатдан ёпиштириш, полдаги тирқишларни йўқотиш ва бошқа арзимас шикастларни тузатиш етарли.

Яна бир жиҳат. Тежамкор тоифадаги турар жойлар учун жиддий таъмирлаш унча долзарб эмас: харидорлар гулқоғозлари эски бўлса-да квадрат метрларни арзонроққа сотиб олишни афзал кўрадилар. Элита квартиралар учун эса дизайнли таъмирлаш тўғри келиши аниқ: таҳлилчиларнинг маълумотларига кўра, қиммат турувчи квартиралар бозори мижозларининг 70-80%и айтишча европача таъмирланган қошоналарни сўрашади. Умуман олганда, сотувчи учун бўлғуси мижозларни чўчитмаган ҳолда жозиба-ли қилиш учун квартирани рисоладагидек яхшилаш муҳимдир. ❶

Интернет тармоғи материалларидан.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

ТОП

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 25 (258) 2010 йил 22 июнь

Chevrolet NIVA

Ҳақиқий внедорожникнинг янги тури

Товар сертификатланган



166-10

H512

Расмий дилер: "Sanar" хусусий корхонаси www.sanar.uz
Манзил: Тошкент ш., Х.Умаров кўч. (мўлжал – Жанубий вокзал, кичик ҳалқа йўли)
Тел.: (+99871) 140-00-61, (+99890) 317-67-97, 325-88-87

CHEVROLET



SANAY Co.Ltd

«SANAY» ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли


КАФЕЛЬ

сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз

Тошкентдаги
омбордан сотилади

Тўлов – исталган
шаклда




pr_8-01-01


Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкент ш., Хамза тумани,
Султонали Машҳадий кўч., 210
(мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел.: 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ




АНДИЖОН
КАБЕЛЬ
ЗАВОДИ



TÜV
CERT
EN ISO 9001

ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 9 июндаги ҳал қилув қарорларига асосан
Собир Раҳимов туманидаги умумий тартибда банкрот деб топилган ва тугатиш жараёни
бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами	Тугатиш бошқарувчиси
"Abroad-Busines" МЧЖ	10-1014/5512	К.Сайдуллаев
"Mega Trade Group" МЧЖ	10-1014/5511	К.Сайдуллаев
"Mexroj-Impex" МЧЖ	10-1014/5518	Х.Қосимов
"Maksi Grand Optimal" МЧЖ	10-1014/5509	Х.Қосимов
"Gold Universal Optimal" МЧЖ	10-1014/5515	Б.Хаитбоев
"Red-Aple Group" МЧЖ	10-1014/5510	Б.Хаитбоев
"Bulding Investment Services" МЧЖ	10-1014/5517	У.Исроилова
"Boxodir Alyans" МЧЖ	10-1014/5513	У.Исроилова
"Avantime Qurilish Savdo" МЧЖ	10-1014/5508	Д.Шукурова
"Toshtex Qurilish Servis" ШК	10-1014/5516	Д.Шукурова

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчилари этиб Собир Раҳимов туман ДСИ ходимлари тайинланган. Ушбу корхоналарнинг муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Корхоналарга алоқадор шахслар ва корхоналар 1 ой давомида ўз аризалари билан муқожаатларини Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Собир Раҳимов туман ДСИ биноси, 111-хонага билдиришлари мумкин.



ART MEBEL GROUP

Офис ва уй учун

МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Мақбул нархларда
шинам муҳит ҳосил қилинг!!!

Фирма мебель салонларимиз:

1. Тошкент универмаги (собиқ МУМ) – 3-қават
2. Беруний кўч., Б-1, 2-уй, 1-секция

(мўлжал – "Ғунча" кинотеатри, "Тинчлик" м.б.)

057-10

Тел./факс: (+99871) 244-86-31, 244-59-54, (+99898) 310-20-77

www.art-mebel.uz



Тўлов – исталган шаклда
Товар сертификатланган

«Интеграл стар» ХК таклиф қилади

ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов – исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«UNIKS-STAR» МЧЖ

НАСОСЛАР

чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги

дренаж учун ГНОМ туридаги

К туридаги, Консоль

«КАСКАД» ҚЎЗ

БК туридаги, Вихрли

ЦМК туридаги фекаль

«Андижанец» насоси

189-10

Товар сертификатланган

ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ

РЎЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 8 апрелдаги 10-1009/14822-сонли ҳал қилув қарорига асосан Чилонзор туманидаги "DOL-SYSTEMS" МЧЖ банкрот деб эълон қилинган ва тугатишга оид ишлар бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Чилонзор туман ДСИ ходими С.Хасанов тайинланган эди. Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 14 июндаги 10-1009/20/4822-сонли ажримига асосан Чилонзор туман ДСИ ходими С.Хасанов "DOL-SYSTEMS" МЧЖ тугатиш бошқарувчиси вазифасидан озод қилинди. Чилонзор туман ДСИ ходими О.Кабилов тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланди. Мазкур корхонага тегишли думалоқ ва бурчак шаклидаги муҳр ва штамплар бекор қилинди. Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналар ўз муқожаатларини Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 51а-уй, Чилонзор туман ДСИ биноси, 202-хонага билдиришлари мумкин. Тел.: 276-98-22, 276-98-24.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 14 июндаги 10-1019/7574-сонли ҳал қилув қарорига асосан Бектемир туман ДСИ рўйхатидан ўтган "Бектемиравтотранс" МЧЖ банкрот деб эътироф этилди ва тугатишга доир иш юритиш таомили жорий қилинди. Тугатиш бошқарувчиси этиб Бектемир туман ДСИ ходими М.Менгзияев тайинланган. Корхонага тегишли думалоқ муҳр ва бурчак шаклидаги штамплари бекор қилинади. Ушбу корхона кредиторлари Тошкент ш., Х.Бойқаро кўчаси, 92-уй, Бектемир туман ДСИ биноси, 213-хонага муқожаат қилишлари мумкин. Корхона кредиторларининг барча эътироз ва даъволари эълон босилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида Бектемир туман ДСИ биносида қабул қилинади. Тел. 295-35-76.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2010 йил 7 июндаги 11-1006/11376(19)-сонли ҳал қилув қарорига асосан Чирчиқ шаҳридаги "Пайнет Стрест" МЧЖ (СТИР 300982360; юридик манзили: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, 8-кичик ноҳия, 14-уй, 19-хона) банкрот деб эътироф этилган ва тугатиш жараёни бошланган. Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб Чирчиқ шаҳар ДСИ биносида қабул қилинади. Ушбу корхонанинг бурчак штамплари ва думалоқ муҳри олишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 9 июндаги 10-10069/8020-сонли ҳал қилув қарорига асосан Учтепа туманидаги якка тартибдаги тадбиркор Аҳмедов Алишер Абдурахманович банкрот деб топилган. Тугатув бошқарувчиси этиб О.Пўлатова тайинланган. Якка тартибдаги тадбиркорга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва учбурчакли тамга ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинган. Даъволар 2 ой мобайнида Тошкент ш., М.Шайхзода кўчаси, 1а-уй, 309-хонада қабул қилинади. Тел. 275-95-10.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2010 йил 10 июндаги 11-1006/13078-сонли ажримига асосан Ўртачирчиқ туманидаги "Алишер Хусниддин" хусусий корхонасини банкрот деб тан олишга доир иш очилган. Мазкур корхона кредиторларининг 1-йиғилиши 2010 йил 23 июнь куни соат 11.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент ш., Чилонзор тумани, "Ц" мавзеси, Чўпон ота кўчаси, 6-уй, Тошкент вилояти хўжалик суди биноси.

ЎзР Авионг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳнома.
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

“AMIR-AUDIT” МЧЖ

- Ҳамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталимиз - ЎзРдаги 5000 ЭКИХдан ортиқ

САР сертификати эга аудиторлар керак.

Тел.: 409-04-23. Факс: 294-77-48

“NAZORAT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти

МБнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

Барча ҳўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувлари

Хизматлар халқаро малакага эга аудиторлар томонидан кўрсатилади

✉ e-mail: nazorat_audit@mail.ru
8-371-2794716, +99897 402-05-00
+99899 258-57-97, +99897 340-98-62
8-371-2794401

“Аудит-ВАРН” МЧЖ аудиторлик ташкилоти

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН ХУДУДИДА, БҲМС ВА МҲС БЎЙИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

126-10

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099, уяли: +998971192248
Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42
Тошкент вил., тел. +998974541664

“ZAMIN OIL AUDIT” МЧЖ

Барча ҳўжалик юритувчи субъектларда кўйидаги хизматларни кўрсатади:

- Аудиторлик текширувлари
- Солиқ солиш
- Консалтинг хизматлари
- Бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш ва тиклаш
- Бошқа малакали ҳисоб-китоб ишлари

221-10

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги филиалига ва асосий манзилига малакали сертификатли аудиторларни ишга таклиф қиламиз.

Хизматлар лицензияланган. Лицензия № 00387, 24.07.2009 й.

Манзил: Карши ш., Шибав кўч., 1/15
Тел.: (+99875) 112 8179, (+99898) 776 5527

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

top

237-51-33
237-47-20
237-47-05

ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР
СОТИЛАДИ Бетон қорувчи ускуна. Тел. 252-34-89.	Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр.* Тел. 448-74-69.
Резина кордди контейнерлар. Тел. 252-34-89.	АДВОКАТ ЕЛТЕ. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш.* Тел.: 343-41-56, 448-74-69.
ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР Юридик хизмат кўрсатиш. Дебиторлик қарзини ундириш. Ҳўжалик, жиноят ишлари. Адвокатлик фирма-си.* Тел.: (+99897) 330-45-71, (+99897) 100-47-33.	БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ Баланслар. Маслаҳатлар бериш. Тел. 100-65-80.
	ХИЗМАТЛАР Видео-, фотосуратга олиш.* Тел. (+99897) 709-20-17.
	*Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 11 июндаги ҳал қилув қарорларига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга доир иш очилган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
"FABI INVEST" МЧЖ	10-1017/8494
"US-MAN SERVIS" МЧЖ	10-1017/8495
"TIKLASH INVEST" МЧЖ	10-1017/8493

Мазкур корхоналарнинг топширилмаган думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, корхона давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги қарорлари ва таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинди. Ушбу корхоналарга нисбатан талаб, таклиф ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида тугатиш комиссияси томонидан Тошкент ш., Раҳматуллин кўчаси, 314-уй, Мирзо Улуғбек туман ДСИ биноси, 209-хонада қабул қилинади. Тел. 262-17-82.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 7 июндаги 10-1019/9263-сонли ажримига асосан Бектемир туман ДСИ рўйхатидан ўтган "Primium gold" МЧЖга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув жараёни қўлланилган. Корхонага тегишли думалоқ муҳр ва бурчак шаклидаги штамплари бекор қилинади. Ушбу корхона кредиторлари Тошкент ш., Х.Бойқаро кўчаси, 92-уй, Бектемир туман ДСИ биноси, 207-хонага муурожаат қилишлари мумкин. Корхона кредиторларининг барча эътироз ва даъволари эълон босилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида Бектемир туман ДСИ биносида қабул қилинади. Тел. 295-18-08.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 7 июндаги ажримларига асосан Миробод туманидаги банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами	ОКПО	Ажрим рақами
"LEGERO" МЧЖ	204039535	15.12.03 03-000318	18523655	10-1013/9202
"HABY PERFECT" МЧЖ	300655252	26.12.07 002943-03	22217591	10-1013/9203
"AVANGARD TRAVEL" МЧЖ	206792880	06.11.07 002517-03	21392470	10-1013/9204
"AVTOTEXLAYN" МЧЖ	204935710	15.03.04 000249-03	19395627	10-1013/9205
"ALSES-TISON" МЧЖ	300601485	26.10.07 002835-03	22103893	10-1013/9206
"PELIKAN TRAVEL" МЧЖ	205794966	01.02.06 001093-03	20349207	10-1013/9207
"SAMAT KALAN-SERVIS" МЧЖ	300383465	02.04.07 002440-03	21884279	10-1013/9208
"PAYVAZ" МЧЖ	203363862	25.08.00 1330(1324)	17818236	10-1013/9209
"TONG QUVONCHLARI" МЧЖ	205867218	23.05.06 001215-03	20442898	10-1013/9210
"KOMRON FAYZ" ХИЧТФ	202702424	26.11.98 743	17130014	10-1013/9211

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчи этиб Т.Муртазоев тайинланган. Кредиторлар йиғилиши 2010 йил 24 июнь соат 10.00 да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар қўйидаги манзилда давом этмоқда: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, Миробод туман ДСИ биноси, 607-хона. Банкротлик иши 2010 йил 24 июнь соат 17.00 да Тошкент ш., Чўпон ота кўчаси, 6-уй, Тошкент шаҳар ҳўжалик суди биносининг 4-сонли суд залида (судья Г.М.Таирова томонидан) қўрилади.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг қарорига асосан Яккасарой туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР
"ОЙДИН ЭЛЛАЙС ЛТД"	200627660
"MASLANAT-ANALITIK MARKAZI" АУДИТОРЛИК ТАШК.	201401602
"AUDIT-M.S.LTD" МЧЖ	202380154
"QONUNCHILIK-AUDIT" МЧЖ	205276099
"KONSAUDITINFORM-SERVIS"	204260358
"PAXTA-AUDIT" АУДИТОРЛИК ТАШК.	203952399
"HARLEY ASSOCIATES" ҚҚ	201955482
"PAKPLAST" ҚҚ	201178405
"RINGRADO" КУ ДП	202505614

Мазкур корхоналарнинг муҳр ва бурчак штамплари, корхона рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, устав ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ХУҚУҚ

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: sbxaxbor@mail.ru

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келмавермайди.

Тахририят оғоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят муштарийлар билан ёзиш туриш имкониятига эга эмас.

"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман қўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўнайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс - 186 Буюртма 625 Адади 5225. Баҳоси келишилган нархда.
Газета 2010 йил 18 июнда соат 20.00 да топширилди.
ISSN 2010-5223